




ЎЗБЕК КИНО САНЪАТИНИНГ ДАРҒАСИ

“...Шуҳрат Аббосов ўз фильмларида халқимизни бутун дунёга бағрикенг, саховатли халқ сифатида, ўзбекларни мунис, мушфиқ миллат сифатида тараннум этди. Шу тўғрисида бу фильмларни кўрган, ундан баҳраманд бўлган дунёнинг қайсики чеккасидаги томошабин бўлмасин, ўзбек халқи ҳақида ёрқин, ниҳоятда илиқ таассуротлар олади...”



(5-саҳифада ўқинг.)

ТОПИЛМА

Самарқандлик жадидлардан бири, ўз вақтида мунаққид сифатида танилган Вадуд Маҳмуд (1897–1975) куйидаги асариди ўз устози Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг дунёқароши, амалга оширган ишлари ҳамда Самарқанд муҳитидаги жадидлар ҳаракати билан боғлиқ воқеаларни эсга олади. Беҳбудий фаолиятининг матбуот, кутубхона, усули савтия мактаблари, моҳир сиёсатчилик билан боғлиқ қирралари ҳақида тарихий шароит, муайян шахслар ва воқеалар билан боғлиқ ҳолда ҳикоя қилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий бошчилигидаги жадид зиёлиларининг матбуот нашрлари ва уларни чоп этишдаги моддий қийинчиликлари ҳамда ибратга муносиб фидойиликлари баён қилинади.

“Маҳмудхўжа Беҳбудий” деб номланган ушбу хотиралар ўн икки varaқлик тўртта дафтарга кирилл ёзувида ёзилган. Бизнингча, муаллиф бу ёдномани ўтган асрнинг 70-йилларида, умрининг охирида ёзган бўлса керак. Чунки айрим ўринларда жумлаларнинг тугалланмай қолиши ёки сўз охиридаги қўшимчаларнинг ташлаб кетилиши ҳолатларидан унинг жуда шошилиш равишида битилгани сезилади.

Муҳим жиҳати шуки, мазкур тарихий манба Беҳбудий ва унинг даври зиёлилари, уларнинг матонат билан олиб борган курашлари хусусида муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини бериши мумкин.

Ушбу асар матбуотда айрим жузъий қисқартиришлар билан илк бор эълон қилинмоқда.

Нашрга тайёрловчилар



Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқандда, балки ўша замондаги Туркистонда биринчи тараққийпарвар, биринчи мартаба ўз ташаббуси ва ўз харжи (маблағи) билан газет чиқариб, шу ўлканинг уйқудан уйғонишига сабаб бўлган. У замонлар газет нима, оламда нима аҳволот бўлиб турбдур, ҳеч кимни қизиқтирмайдиган бўлган. Беҳбудий шаҳардан шаҳарга, қишлоқдан қишлоққа юруб ташвиқот қилиб, газет ва журналига обуна ёздиратурган бўлган.

Беҳбудий яна шу мақсад билан ўз пулидан бир кутубхона-библиотека таъсис қилган. Бу китобхона турли китоблар билан уч минг ададга яқин тўлдирган ва ўқитурган толибларга яқин ва осон бўлсин деб Регистоннинг рўбарўсида бир болохонада ижара пулини, қоровул, китобдор ойлигини, мавожибини ўз чўнтагидан бериб турган. Бу китоблар ўша замоннинг олтин пули билан олинган бўлган.

У замонлар бизнинг юрт одамлари муллалар таъсири остида бўлган

нидан болаларини янги мактабга ва рус мактабларига бермасдилар. Ўғли Масъудхонни гимназияга бериб, унга мактаб формасини кийдириб, шаҳардан шаҳарга олиб бориб кўрсатиб, одамларнинг болаларини рус мактабларига ўқутишига тарғиб қилган.

Беҳбудий турли китоблар тузуб тарқатган. У замоннинг аҳволи назарда тутилса, бир китоб агар минг нусаха босилса, бу миқдорнинг ўндан бир қисмининг сотилиши қийин бўлган. Шунинг учун босдирган китоблари, албатта, зарардан бошқа натижа бермайтган бўлган. “Самарқанд” газети қанча тираж бўлмасин, Самарқанд шаҳрининг ўзида юз нусхаси зўрға сотилатурган бўлган. Бухоро, Хўжанд, Ўратеп, Конибодом ва бошқа туркийзабон шаҳарларда ҳам ўн-ийғирма нусаха тарқалиб, бошқа нусхалари таланиб қолатирган бўлган.

Муаллим Шакурый мактабиди мен ёрдამчи муаллим (халфа) бўлуб ишлаб юрган чоғларим эди. Бир кун мени

бирга олиб шу газетнинг идорасига бордилар. Ҳозир ёдимда қолган Решетников кўчасида янги ясалган бир бинога кирдик. Катта бир уй, уй тўрида бир стол орқасида газетнинг муҳаррири Беҳбудий (кўзларига айнак таққан) ўтирган, бир томонда газетнинг таржимони Саидризо Ализода, бошқа томонда газетани тарқатувчи Ҳожи Муин Шукрулло ўғли адреслар эзмюк билан машғул. Мана шу ерда газетга обуна бўлуб қайтдик.

Бу эса меним ҳаётимда муҳим бир ҳодиса тарзида жилваланди. Чунки у замонлар ким билар, Самарқанд каби катта шаҳарда газетга обуна бўлуб, газетхон сифатида ноил қанча киши бўлган. Ҳафтада икки-ёки уч карра чиқадирган газетни махсус почталён ташиб келтириб бериб кетар эди.

Шулар қаторида мен ҳам бор эдим. Ва бу менин учун зўр бир ифтихор эди.

(Давоми 3-саҳифада.)


ЖАРАЁН

“ЕР БУ – УЛКАН СИР”

Сайёрамизда йил давомида юз минглаб турли сезимдаги zilzilalar содир бўлади. Уларнинг аксари фақат сейсмографларгина илғайдиган тебранишда бўлиб, оддий аҳоли пайқайдиган даражага етмайди. Лекин ҳар қандай ер силкиниши тирик мавжудотни таълиққа солиши тайин.

Эрамизнинг 115 йилида 260 минг римлик умрига зомин бўлган Антиохия; 856 йили 200 минг форс аҳолисининг ёстиғини қуритган Дамғон, 1556 йили 830 мингдан ортиқ хитойликни ҳаётдан олиб кетган Шенси фожиаси ва бошқа кўпгаб мудҳиш zilzilalar ҳақида тарихий маълумотлар бугунгача етиб келган.

2023 йилнинг 6 апрелида Туркияда содир бўлган zilzila инсон савқи табиийсига ўрнашган хавотирларнинг ўринли эканини исботлади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ғани Мавлонов номидаги Сейсмология институти директори, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Воҳидхон Исмоилов билан суҳбатимиз сейсмик хавфсизлигимиз борасида бўлиб ўтди.



– Воҳидхон ака, 5,2 Рихтер шкаласи бўйича содир бўлган машъум Тошкент zilzilasi сабаб ЎзФА таркибиди айни пайтда сиз раҳбарлик қилаётган Сейсмология институти ташкил этилган. Бу институт қарийб 60 йиллик фаолияти давомида қандай ютуқларга эришди?

(Давоми 2-саҳифада.)

ТАҚДИМОТ



ИЖОД ВА ФАН МАЖНУНЛАРИ

Ойбек ва Наим Каримов. Бу икки исм кўп ўринларда кетма-кет келиши бежиз эмас. Чунки адиб Ойбек ижоди ва шахсияти ҳақидаги аксар тадқиқотлар, фундаментал китоблар олим номи билан боғлиқ бўлса, адабиётшунос Наим Каримов илмий фаолиятининг салмоқли қисми бевосита Ойбек феномени, унинг ижодий лабораторияси хусусидадир. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида ўзбек адабиёти ва фанининг ана шу икки буюк вакили – Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳамда Наим Каримов ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилувчи иккита ҳужжатли фильм тақдими бўлиб ўтди.

(Давоми 5-саҳифада.)

БУГУНГИ СОНДА:

ЎРГАНИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

“...Конференция доирасида маърифатпарвар олим, миллий озодлик ҳаракатининг буюк намоёнаси бўлган алломанин ҳаётига бағишланган “Беҳбудий феномени” китоби тақдими ҳам ўтказилди...”

5

БИРИНЧИ МИЛЛИЙ ЮРИСТ

ёхуд ўз ҳуқуқини
ҳимоя қилолмаган

Тошпўлатбек Норбўтабеков



7

БИЗНИ ЕМИРГУВЧИ ИЛЛАТЛАР

ТАРАҚҚИЁТГА ТЎҒАНОҚ

Кейинги йилларда мамлакатимизда турмуш даражаси фаровонлашиб, аҳоли даромадлари ошиб бораётгани яхши, албатта. Бироқ кишиларнинг асосий маблағлари тўй-ҳашам, бошқаларга ўзини кўрсатишдек ҳавойи мақсадларга сарфланаётгани ачинарли. Бугун ҳаётимизда кўпайиб бораётган оилавий можаролар, низо-жанжаллар, ажралишлар, эр-хотин ўртасидаги совуқчилик сабаблари ҳам, аксарият ҳолларда, айнан серҳаражат тўйларга, улар билан боғлиқ беҳад ортиқча исрофгарчиликка бориб тақалиши ҳеч кимга сир эмас.

(Давоми 6-саҳифада.)



МУЛОҲАЗА

ҲАЛОКАТНИНГ СИРИ НИМАДА?

Қўшилувчиларнинг ўрни алмашганда йиғинди ўзгаради



Француз маърифатпарвари Антуан Риваролнинг бир гапи янги дунёнинг чалқаш моҳиятини очиб ташлайди. Бу шундай: “Вольтер: “Одамлар қанчалик маърифатли бўлсалар, шунчалик эркиндирлар” деб таълим берганди. Унинг издошлари эса халққа: “Сиз қанчалик эркин бўлсангиз, шунчалик маърифатлидирсиз” деб уқтирдилар. Ҳалокатнинг сирини ана шунда!”

(Давоми 4-саҳифада.)



Бошланиши 1-саҳифада.

– Сўзни бизнинг худудларга сейсмологиянинг кириб келишидан бошласак. 1865 йилда чор Россияси Тошкентга босқинчилик йўли билан киради. Улар кўп йиллар бу тинч, хавф-хатарсиз жойга эгалик қиламиз, деб ўйлашган. Лекин уч йил ўтиб, Тошкентда 6,3 магнитудали даҳшатли зилзила содир бўлади. Бу вайронкор ҳодиса табиийки, зилзила сирларини ўрганишни талаб этган ва 1872 йилда Тошкентда илк бор сейсмологик ускуна ўрнатилган. 1886 йилга келиб янада кучлироқ ер қимирлаши рўй бергач, бу худудни жиддийроқ тадқиқ этиш керак экан, деган ваҳима билан ўша даврнинг такомиллашган замонавий ускунаси олиб келинган. Шу тариқа 1902 йилда Тошкентда биринчи сейсмик станция барпо бўлади. Ана шу вақтдан Ўзбекистонда сейсмология соҳасидаги инструментал тадқиқот ишлари йўлга қўйилган.

“ЕР БУ – УЛКАН СИР”



зиласидан анча кучли эди. Лекин ҳодиса ҳақида биров билиб, биров билмаган. Чунки бу ҳодиса дала жойда, аҳоли яшамайдиган очик ерларда содир бўлди. Унда нега Тошкентдаги зилзила бунча талафотли ва

даврнинг катта янгилиги деб эътироф этилган. Мазкур хулоса ер силкинишининг прогноз имкониятлари ривожланишига туртки бўлди. Шунингдек, институтимизда 70-йилларда жуда катта илмий-амалий ишлар бажарилди ва 1978 йилдаги Олой, 1984 йилдаги Поп зилзилаларининг юз бериши эҳтимоли олдидан башорат қилинди. Ўзбекистон худудидида геомагнит майдонда ер қимирлашидан олдинги ўзгариш қонуниятлари ўрганилиши изчил давом этяпти. Бундан бошқа амалга оширилаётган ишлар ҳам кўп. Шу маънода институтимиз зиммасидаги вазифаларни уддалаяпти, деб айтишимиз мумкин.

олдинги чораларни кўриб қўйиш, эҳтимолий талафотларнинг олдини олиш.

Илгори Тошкентда 16 қаватли 6 тагина монолит бино бор эди. Ҳозирги кунда эса бундай бинолар сони 100 дан ошиб кетди. Ўша даврда баланд иморатлар қурилаётганида махсус сейсмик тадқиқотлар олиб борилган. Ҳозирда ҳам худди шу усулдаги текширувлардан фойдаланган ҳолда, 12 қаватдан юқори бўлган ҳар бир бино курилишида объект жойлашган ер майдони бўйича геологик ва сейсмологик тадқиқот амалга оширилади. Бинони зилзила вақтидаги кучланишга мўлжаллаб қуриш шарти бор. Биз берадиган маълумотлар қурувчи ташкилот учун бирламчи ва ўта муҳим ҳужжат вазифасини ўтайди. Бу хулосани олгандан кейин талабга жавоб берадиган лойиҳа ишларининг амалга ошириш керак. Лойиҳа ишлари тасдиқлангач, ўз-ўзидан қурилиш бошланмайди. Чунки ҳали бу ишнинг экспертизаси ҳам бор.

Вазирлар Маъжасининг 603-сон қарори билан экспертиза ишлари ҳам Фанлар академияси институтларига топширилган. Механика ва иншоотлар сейсмик мустақамлиги институтида экспертлар гуруҳи лойиҳаларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, шундан кейингина қурилиш ишларига рухсат беради. Бу гуруҳ ҳозирги кунгача Ўзбекистон бўйича 260 га яқин бино ва иншоотни экспертизадан ўтказди. Мавжуд биноларни реновация, яъни ё бўзиб, ёки қайта таъмирлаш масалаларини ҳам ўрганиб чиқсак, ер силкиниши хавфига қарши пухта тайёргарлик кўрган бўламыз. Ана шундагина зилзила сценарийини биз учун ўнчалик қўрқинчли бўлмайди. Талафотлар нисбатан камаяди.



Афсуски, яқин ўтмишда бизда микрохудудлаштириш ишлари тўхтаб қолган эди. Охирги микрохудудлаштириш харитаси 1996 йилда тузилган. Мана шу ишни яна давом эттирдик, республикамиздаги 24 та шаҳарни микрохудудлаштирдик. Ўзбекистон худудидида учун янги тилдаги тектоник, геодинамик, сейсмологик хариталар яратдик. Бу жуда катта ютуқ ва яхшигина маблағ эвазига амалга оширилди. Ҳар битта харита учун 100-150 миллион сўмдан пул ажратилди. Бу балки жуда катта маблағ бўлиб туюлмас, лекин энг зарур, керакли ишлар учун доимий равишда бундай суммалар ажратилиши яхшигина натижа беради.

ваҳимали бўлган дерсиз? Сабаби, Тошкентда айни аҳоли яшайдиган худудда ер қимирлаган. Бундан ташқари, унинг ўчоги жуда саёз жойлашган эди.

Бир нарсага эътибор қаратиш керак, ўша зилзилада бетон ёки пишиқ ғиштли бинолар бузилмаган. Асосан нобон қурилган уйлар, эски иморатлар қулаган.

Ундан кейин ҳам Ўзбекистон худудидида кучли ер силкинишлари бўлиб турди. Масалан, 1976 йилда магнитудаси 7,2 бўлган Газли зилзиласини олсак, у шаҳарнинг деярли барча биноларини вайрон қилди. Таассуфки, ўшанда талафот катта бўлган.


1966 йилги зилзила юртимизда Сейсмология институти очилишига туртки бўлди. Биринчи галдаги вазифалардан бири, албатта, зилзилани мумкин қадар олдиндан айтиб бериш, яъни прогноз масалаларини ўрганиш бўлса, иккинчиси – худудларимиз бўйлаб сейсмик хавфни баҳолаш ва унинг хулосаларини қурилиш қўмитасига тақдим қилиб, шаҳарсозлик ишларини шунга мос хавфсиз олиб бориш бўлган.

Албатта, ўтган олтмиш йил ичида соҳамизда жуда кўп тадқиқотлар амалга оширилди. Айтиш мумкинки, ўз вақтида оламшумул илмий кашфиётлар ҳам қилиниб, халқаро миқёсда тан олинган. Пойтахтимиз остида, ер қобигининг 1700-2200 метр чуқурлигида сеноман сувлар бор. Буни халқимиз “Тошкент минерал суви” дейди. Ўша пайтдаги кузатувлар зилзила арафасида бу сув таркибидида ҳар хил газларнинг аномал тарзда ошишини кўрсатган. Бу 1973 йилларда муҳим кашфиёт бўлиб, дунё олимларини ҳайратда қолдирган. Ер ости жараёнларида шу сувлар таркибидида радон гази ошиши зилзиладан дарак бериши ўша

– Тошкент зилзиласи 78 минг оилани бошпанасиз қолдирган. Бугун осмонлар бинолар ва кўп қаватли тураржойлар қурилиши жадал кетаётган бир пайтда, яъни ўтган йилнинг 17 апрелида Президентимиз “Био ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолаган эди. Ушбу қарор ижроси юзасидан соҳада амалга оширилаётган ишлар қандай кетяпти?

– Зилзиланинг турли даражаси, унинг хавф туғдириши эҳтимолини инобатга олиш, қурилаётган биноларнинг сейсмик чидамлилиги ва мустақамлигини таъминлаш – долзарб масала. Бугунги кунда институтимиз худудлар бўйлаб зилзила хавфини баҳолаб бериш имконига эга. Фақат қурилиш компаниялари шу хавфга мустақам тура оладиган лойиҳаларни амалга оширишлари керак.

Институтимиз 24 та вилоят маркази ва шаҳарлар учун сейсмик микрохудудлаш-



тириш хариталарини ишлаб чиқди. Улар ҳозирги кунда эски совет давридагидек макросейсмик балларда эмас, балки муҳандислик параметрларида, тебраниш спектрларида, чўққи тезланиши максимал қийматларида баҳоланган ҳолда тузилмоқда. Ана шундай норматив ҳужжатлар ва хариталарни қурувчи-тадбиркорларга етказиб берамиз. Асосий мақсад – зилзиладан

Зилзила бу – аввало, иқтисодий талафот. Эҳтимолий зилзилага тайёргарлик кўриш орқали давлат маблағлари тежалди.

– Ўзбекистон, хусусан, Тошкент – сейсмологик фаол ҳудуд. Яқин йиллар ичида юртимизнинг сейсмик хавфи ҳақида аниқ маълумот бера олсамизми?

– Ўзбекистон ўрта Ер денгизи сейсмоген зонасида жойлашган. Шунинг учун зилзи-

лалар доимий содир бўлиб турадиган худуд ҳисобланади. Ер юзидида учта сейсмик камар бўлиб, Ўзбекистон унинг иккинчиси ичида жойлашган. Бу назарий жиҳатдан худудда 8-9 балли зилзилалар бўлиши мумкин эканлиги тасдиқлайди. Ҳатто бизнинг институтиимиз ҳам зилзила ўчоғида жойлашган. Фарғона водийси эса бошқа вилоятларга қараганда сейсмик фаол худуддир. Тағзаминимизда тектоник ёриқлар ва катта сейсмик кучланишлар бўлгани учун тез-тез зилзила бўлиб туриши мумкин. Чунки бир томондан Евросиё, иккинчи томондан Ҳиндистон плитаси ўртасидаги бир-бирига қарама-қарши ҳаракат натижасида юзага келадиган катта ер ости зўриқишлари янги силкиниш ўчоқларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Зилзила ўчоғидан чиққан турткилар қандай тарқалади, баланд иморатларга, бинолар ва иншоотларга қандай таъсир кўрсатади, буни ўрганамиз. Қисқа муддатларда зилзилаларни прогноз қилишга ҳозирча дунёнинг энг тараққий этган давлатлари ҳам қодир эмас. Чунки Ер бу – улкан сир.

– Хорижий давлатлар билан сейсмология тараққиёти йўлидаги илмий-амалий алоқалар борасида гапласан...

– Бошқа мамлакатларга борганимизда биз гувоҳ бўлган муваффақиятлар асосида ўз фаолиятимизни таҳлил қиламиз. Мана, яқинда Японияда бўлиб, бизга алоқадор етти та университет ва марказга бордик.

Маълумки, дунёдаги энг кучли зилзилаларнинг 20 фоизи Японияда содир бўлади. Бу орол давлатда мавжуд 3000 га яқин тектоген ер ёриқлари ҳаракатдаги ва ҳаракатсизга бўлинадилар. Биз ҳам ўзимиздаги ер ёриқларини тоифага ажрата билишимиз шарт. Бунинг учун эса ҳар битта тектоген ёриқнинг паспортини яратишимиз керак. Уларда ана шундай ёриқлар учун 232 та паспорт яратилган экан. Биз ҳам бу ишни ўзимизга татбиқ қилдик. Мана, икки йилдан буён битта лаборатория алоҳида шу вазифа билан шугулланыпти. Ҳозирги кунгача Фарғона водийси ва Тошкентолди худудидида 36 та фаол тектоген ёриқлар паспортини яратдик. Албатта, бу ҳали тўлиқ эмас.

– Бу нимага керак?

Зилзила ўчоқлари айнан шу тектоник ер ёриқларида ҳосил бўлади. Агар биз бу ёриқларнинг жойлашувини аниқ билсак, зилзила сценарийини ишлаб чиқишга эришамиз.

Японларнинг 30 миллион аҳоли жойлашган, худудий жиҳатдан катта, шунингдек, бинолари жуда баланд қурилган Токио шаҳарининг кучли зилзиладаги ҳолатини моделлаштиришни кўрдик. Бутун дунё илм аҳли моделлаштириш тизимига ўтишга ҳаракат қилляпти. Шу жиҳатдан институтимиз ҳам шу йўналишда илмий тадқиқотларни бошлади. Лекин фақат бизнинг изланишимиз билан иш битмайди, бунга Механика ва иншоотлар сейсмик мустақамлиги институти, Архитектура ва қурилиш университети, Турин политехника университетининг Тошкент филиали, Ўзбекистон Миллий университети жамоаси ҳам жалб қилинган. Ҳозир ана шундай катта ҳажмдаги амалий ишларни бажаряпмиз.

Сейсмология – энг долзарб ва ўта муҳим соҳа. Бугунги кунда институтда 129 нафар ходим фаолият олиб борапти. Улар орасида академик, фан доктори, профессор-олимлардан тортиб, илмий изланишдаги ўнлаб тадқиқотчилар сейсмология ривожига ҳисса қўшмоқда. Бу соҳага қизиқайтган ёшларимиз ҳам кўп.

– Домла, мазмунли суҳбатиниз учун газетхонлар номидан миннатдорлик билдирамыз. Юртимиз тинч, заминимиз осойишта, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Муҳайё РУСТАМ ҚИЗИ суҳбатлашди.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ЎЗБЕК АЛЛОМАЛАРИ ЭЪТИРОФДА

CNN Ўзбекистоннинг буюк алломалари ҳақида туркум мақолалар чоп этди. Унда Аҳмад ал-Фарғоний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино каби алломаларнинг ўзбек миллатига мансуб бўлгани алоҳида эътироф этилган.



Алгебра фани асосчиси сифатида қайд этилган Ал-Хоразмий ҳақида фикр билдирилган экан, унинг “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала” асари математиканинг ривожига қўшган ҳиссаси алоҳида қайд этилади. “Ҳар сафар смартфон ёки компьютердан фойдаланганимизда Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг илмий меросига дуч келамиз”, дейилади мақолада. Абу Райҳон Берунийга таъриф бери-

лар экан, CNN уни дунёни ўлчанган одам сифатида эътироф этади. Эришган ютуқлари билан кўплаб замонавий фанларга асос солган буюк олим ўлароқ тан олади. Абу Али ибн Сино, тиббиётнинг отаси сифатида танилган, “Тиб қонунлари” асари билан машҳур бўлиб, у кўп асрлар давомида Европада ва Шарқда тиббиётнинг асосий қўлланмаси бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, ушбу ой якунида CNN машҳур астроном ва математик Мирзо Улугбек ҳақида ҳам мақола эълон қилиши кутилмоқда.

ВАТИКАН ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРТА АЁЛ КИШИ ГУБЕРНАТОР БЎЛАДИ



Губернатор бош вазир ваколатларига эга бўлади, шунингдек, Рим папаси номидан Ватиканни бошқаради.

Папа Франциск Ватиканда аёлларга берилган вазифалар ҳақида сўз юритаркан, “Аёллар бу ишни биздан кўра яхшироқ уддалайди”, дея таъкидлади.

МАРСГАДА 45 КУН. НАҲОТКИ?



NASA ўзининг Marshall космик парвозлар марказидаги космик тадқиқотларда муҳим босқичга эришди. General Atomics Electromagnetic Systems (GA-EMS) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу технология инсонларнинг Марсга парвоз қилиш вақтини олти ойдан атиги 45 кунгача қисқартириш имкониятига эга.

Бу кашфиёт космик тадқиқотлар учун катта аҳамиятга эга бўлиб, қисқа саёҳат вақти, кос-

монавтлар хавфсизлиги, вазифалар логистикаси ва космик тадқиқотлар билан боғлиқ муҳим муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

ТАЛАБА РОБОТЛАР

Хитойнинг Шанхай шаҳридаги Пудонг худудидида турли хил инсон қиёфасидаги роботлар учун мўлжалланган илк таълим марказини очди.

Бир вақтнинг ўзида турли ўлчам ва вазифага эга 100 дан ортиқ инсон қиёфасидаги роботларни сиғдира оладиган мазкур иншоот шаҳарнинг ушбу соҳани ривожлантириш бўйича сайҳаракатларининг бир қисми ҳисобланади. Саноат манбалари маълумотига кўра, соҳа кўламининг 2029 йилга келиб 75 миллиард юанга (10,31 миллиард АҚШ доллари) етиши кутилмоқда.



Ташминларга кўра, 2027 йилга келиб давлат миқёсидаги машғулот майдонларида камиди 1000 та инсон қиёфасидаги роботлар тайёрланади.

РИМ ТАНГАЛАРИ ТОПИЛДИ

Люксембургдаги археологлар Иккинчи жаҳон уруши даврида яшириб қўйилган 141 та соф олтиндан ясалган 1700 йиллик тарих эга Рим тангаларини топиди.



Тўрт йиллик қазиш ишлари нихоясига етгач, тадқиқотчилар милодий 364 йилдан 408 йилгача бўлган даврда ҳукмронлик қилган тўққизта Рим императорининг тасвирлари туширилган олтин тангалардан иборат хазинага дуч келишди.



Бошланиши 1-саҳифада.

Бехбудийлар, яъни бу кишининг фикрдошлари эски шаҳарда ҳовли-жойлари бўлса ҳам маҳалладагиларнинг, қўшниларининг ёмон қарашларидан озорланиб, безор бўлуб қочиб кетишга мажбур бўлган эдилар.

Ва шу юқорида айтилган Решетников кўчасида жойлашиб бироз тинчланиш чорасига киришганлар. Шулардан бир неча ҳовли ҳали шу кўчада ёдгор қолгандир.

Бехбудий ҳам янги очилган мактаблар учун, ҳам умумий маълумот олувчилар истифодаси учун турли мавзуда китоблар, рисолалар ёзган. "Мунтахаби жуғрофияи умуми", "Мухтасари тарихи ислом", "Мадрасали жуғрофияи умуми", "Мухтасар Русия тарихи", "Янги ҳисоб" дарслиги шу жумладандур. Булардан бошқа "Ойна" журналида "Саёҳат хотиралари" унвони остида ўзининг кўраганларини нашр этган. Булардан бошқа

лар Самарқанд аҳолисининг аксарияти шулар нуфузи остида эдилар.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўзини шуларга яқин тутуб шу ташкилотнинг ишлари-га иштирок қилиб турарди.

Биринчи жиҳат шулки, у муфти ва мулла эди, ўзининг шу чаркадан эканини ва динчи бўлиш ва диндор бўлишининг ҳаёт ва тараққиётга монев ва тўсқин эмаслигини у эскиларга талқин қилиб туриш бўлса, иккинчи жиҳат, уларнинг орасида бўлаётган аҳволотдан хабардор бўлиб туриш бўлган. У замонлар "Шурои ислом" ўзини юртининг ягона ҳокими санарди. Чунки сайловларда ҳамма фиркалардан ортиқ овоз



Бехбудий уй-музейи. Самарқанд.

ўшал замонларда чиқатурган газета ва журналларга иштирок этган. Остроумов томонидан, яъни Русия давлатининг ахбороти газети, Оренбургда чиқатирган "Шуро" мажалласига, "Тужжор", "Хуршид" ларга мақолалар ёзиб турган.

Бехбудий анчагина яхши мадраса таҳсил қўрган, муфтилик даражасига етган одам. Бошида оқ салласи бор, лекин бошқа мулла-муфтиларникидек катта эмас, ўртача. Муллалар киятурган катта узун чопонлар ўрнига ярим европача, нўғайча камзул устидан пальтога ўхшаган чакмон кияр эди. Бу чакмоннинг ички томонида узун кисса (чунтак) ва унда доимо газет, журнал бўларди. Уйига кирсангиз усталининг устида ҳар томондан келган газет-журналлар тўла: Мисрдан келтирилган "Ал-аҳрам", Калкуттадан чиқатирган "Сури Исрофил", Техрондан чиқадиган "Эрони нав", "Чехранамо", "Парварииш", "Сабилуррашодал аламул-ислом", Истанбулда чиқатурган "Танин" ва журналлардан "Сироти муस्ताқим", "Шаҳбол", "Сарвати фунун" кабилар бўлар эди. Булар хориждан келадиганлари эди. Россиянинг ичидида газеталардан "Таржимон", "Вақт", "Иқбол"лар келиб турар эди.

Бехбудий доимо кўзига айнал тутар ва бунинг сабаби, албатта, кўп мутлола натижасида кўзининг кучсизланиши эди. Хусусан, кутубхонаси кўп бой эди. Мен ундан кўп ажойиб – нодир китоблар сўраб олиб ўқирдим. Ҳеч бир замон рад қилмас эди. Доим яхши нарсалар топиб бериб турар эди. Яқин кунларга чадан олганим Истанбул босмаси "Тадрисоти ибтидоия" тарбиявий мажмуа менда юрарди. Ўзгилнинг гимназияда ўқиганини юқорида айтган эдик. Қизи Сурайё бегим ҳам яхшигина саводли, рус тили билан ҳам танишдур. Ҳозир анчагина қариб қолган. Бехбудийнинг уч ўғли бор эди: Масъуд, Маъсуд, Матлуб. Масъуддан тўрт невараси ҳозир турли ишларда, идора, наشريёт ва илмий соҳаларда машғуллар.

Юқорида Бехбудийнинг манокчиба тарзида газет, журналлар, китобхона ва бошқа нашриётни ўзи кассасидан харажати тўлаб чиқарганини айтдик. Бир китобхона учун вақф тарзида топширган 3000 мужаллад китобдан ва у минг қимматини 10 000 сўмга тахмин қилган эдик, деган масала, албатта, қизиқарлидир. Олган маълумотларимизга қараганда, Самарқанднинг атрофида бўлак-бўлак ерлари бўлган ва буни икки юз, уч юз таноб, балки кўпрак тахминлаганлар. Мирзахожа Бехбудий ҳақида ёзган рисолада уни "судхўр" деб танилади. Агар судхўр шундай бўлатурган бўлса, қошиқ бундай судхўрлар кўпрак бўлсаиди!

Инқилоб йилларида Самарқандда уч фирма тузулб давом қилмоқда эди: 1. Шурои ислом; 2. С.Р. социал революционерлар; 3. Большевиклар.

"Шурои ислом"нинг бошлиғи юқорида неча қарра зикр этилган Қози Исо хожи бўлуб, муллолар ва бойлар, амалдорлардан иборат эди. У замон-

эгаси эди. У кунлар "Шурои ислом"нинг бирдан бир рақиб Иттифоқ партияси – ишчилар ва янги фикрлар тарафдори бўлганлар партияси эди. Сайловларда иккинчи рақамли кўти тарафдорлари шулар эдилар. У замонларнинг иккинчи қора партияси шу Иттифоқ эди. Учунчи партия С.Р.лар – Социал революционерлар эди. Бу партиянинг Самарқанд бўлими бошлиғи Мардонкул Шомуҳаммадзода, бир замонлар "Хуррият" газетасининг муҳаррири эди. Бехбудий билан Қаршида ўлдирилганларнинг бири шу кишидир. Бу уч фирма бир-бири билан талашардилар. Митингларда, йиғинларда бир-бирини танқид қилар, ёмонлардилар.

Шундай бир воқеа эсимда қолгандир: бир кун муаллим Шақурий бир иш билан мени Маҳмадқул Урунбой ҳовлисига юбордилар. Бу киши ўша Қаршида ўлдирилганларнинг биридир (Бехбудий қаторида). Бу киши ўз ҳовлисида мактаб очиб муаллим харажати тўтуб юрган эш бойлардан эди. Бу кишининг отасини Урунбой купас (купец) дер эдиларки, савдо билан шуғулланганлар одамлардан бўлган. Шу кун бу кишининг уйда уй эгаси билан бирга катта сандали атрофида ўтирган уч кишини кўрдим: Бехбудий, Ақобир, Мардонкуллар эдилар. Шу куннинг ўзидаёқ Регистонда бўлган катта митингга Ақобир билан Мардонкул бир-бирини хорлаб ўз партияларини ёқлаб талашган эдилар. Меним таажжубимга сабаб бўлди. Бу не деган воқеа эдиким, кундузи бу икки муҳолифлар ва яна бир муҳолифсимон – "Шуро ислом" аъзоси Бехбудий билан бир ерда йиғилишиб, чой ичишиб қақчақлашиб ўлтирсалар! У замонлар мен бу сирини маъносига бормас эдим. Кейинча Бехбудийнинг атери ва аҳволи билан танишган сўнг унинг тадбирлари эканини англадим.

У кунлар бу уч курашиб турган фиркаларнинг қайсиси ғолиб келадир, айтиш қийин эди. Шунинг учун бўлса керак, Бехбудий ўзи "Шурои ислом"да, Мардонкул С.Р.да, Ақобир большевик тарафдори бўлган Иттифоқда турар ва кузатар эдилар. Қайсиси зўр чиқса ҳар бирида "ўзлари"нинг одами бор бўлганидан шу юртининг манфаатини мудофаа қилатирилган одамлари бўлар эди...

Мақсад бир эди – шул қавмнинг ажнобиилар қўлида эзилмаслиги...

Аслида, асосан Бехбудийнинг ўзи "Иттифоқ" раҳбарларидан эди. Бу эҳтиёкорлик у кунлардаги номаълум аҳволотдан вужудга келган эди. Қўқон Мухториятга иштироки у кунги умумий миллий ҳаракатнинг савки ифодаси эди. У кунларда Москвадан экан бир озодлик шамоли таъсири билан вужудга келган бир ҳаракат эди. Бу ҳаракат ёлғиз бизда эмас, бутун бошқа майда миллатлар – Рус давлати кўл остида бўлган Гуржистон, Арманистон, Озарбайжон, Татаристонларнинг ҳаммасида муштарак эди. Қўқон мухторият ҳукумати тарқатилган сўнг унинг ҳарбия вазир Мадамминбекнинг қўшини шаҳардан чекилиб тоғларга, далаларга тарқалиб

партизан урушларини бир неча йиллар давом эттирдилар. Совет ҳукумати кучланиб ўрнашиб олган сўнг бу ҳаракатлар босилиб кетди ва юрт тинчиди.

Февраль инқилобининг биринчи ҳафтаси эди. Биринчи кунлари демадим, чунки инқилоб хабарини Туркистон генерал-губернатори уч-тўрт кун сақлаб нима бўлар ва тараққиётга монев, сўнгра Туркистонга эълон этган. Самарқанд шаҳрининг ҳозирги озодлик майдонининг шарқий-жанубий бурчаги рўпарўсида бўлган офицерлар клубида ҳар кун кечқурунлар митинг бўлар эди. Биз ҳам ҳар кун ишдан бўшагач, хуррият ва озодлик тароналарини эшитмак учун борар эдик. Зал доимо тўла эди, турли-туман халойиқ бир ёндан келар, бир ёндан чиқиб кетарлар эди. Тўрада оркестр ўйнайтирилган баланд саҳнада Қози Ҳайдарбек ва яна бир волостной бўлуб юрган киши исмини унутдим, қўллариди ёзилган бир оқ қоғозни навбатба-навбат ўқир эдилар. Унда Николайнинг тахтан тушурилгани ва у золимдан халқнинг қутулгани ва энди барча миллатларнинг озодликка чиққани, ҳар миллатнинг ўз ихтиёрига ўзига ҳукумат тузишга ихтиёри бўлгани тантанали суръатда чиройли иборалар билан ёзилган. Уни ўқуб эшиттирувчиларнинг лабларида табассум ва чеҳраларида шодлик аломатлари кўруниб турар эди.

Бундан бир-икки йилгина бурун шу майдонда 1916 йилда генерал Куропаткин келиб дўқ уруб, уруш жаҳасига ёрдам бериш учун мардикор кераклигини эшитган халқ бугунги юмшоқ башоратлардан шодланар ва кўйлагига симага эди. Ва ўзларининг қариндош-уруғларининг тездан мажбурий ҳарбий хизматдан қайтиб келишини шодлик билан кутардилар. Эҳтимол шу қози Ҳайдарбек қўлида бўлган ва ҳар кеча такрор-такрор ўқилатилган "Озодлик башоратномаси" Бехбудий қаламидан чиққан эди. Бехбудийнинг фикрдошлари орасида мутафаккир, тараққиётларвар бор бўлса ҳам уларнинг аксари рус мактаб ва мадрасаларида таҳсил қўрган бўлуб, ўз тилларини билатирган ва тахрир қуввати борлари кўрнганда эди...

Муллолар орасидан бўлса бу мавзуларда қалам юритатирганлар бор эдимикин, кўзим етмайди. Не бўлса ҳам биз ҳар оқшом янги шаҳар кўчалари бўйлаб юруб шул клубга келиб завқланиб, ёқимли хаёллар билан уйкуга кетар эдик. Ва келгуси куннинг кечини кутардик, чунки яна янги хабарлар, янги воқеалар эшитгимиз келарди.

Бехбудий Бухоро билан Самарқанд орасидаги сув масаласи нисоси муносабати билан ўз тақлифлари билан губернатор ёнига кирганда "Сиз ким бўласиз?" деган сўзига мен журналистман деб жавоб берган. Чунки у халқ намояндаси сифати билан кириб баъзи талабатда бўлган.

Бухорода ослоҳот эълон қилинганда миннатдорлик изҳор қилмоқ учун амирлар берган ҳайъат ичиди Бехбудий, Қози Ҳайдар, Файзулло Ҳўжалар бўлган. Амир Когондан келган рус "намоянда-лари" билан кўп бериб қўришган бўлсада, булар билан кўришишга таназзул этмаган.

Бизнинг матбуотда Бехбудий киби кишиларнинг яшаган замон ва унинг аҳволоти борасида кўп нарсалар ёзилган. У даврнинг энг аниқ ва қимматли сифати "Қурини вуст" (урта аспрлар)лик сифатидур. Мадрасаларимиз беш юз йил – опти юз йил бурун ёзилган китоблардан дарс бериш билан машғул. Қуръон ва Ҳафтияқдан кейин ўқулатилган Чор китоб – бир мусулмонга тириклик ва маъшиятда, кундалик юрш-турушларда шариат таълимоти-дан нима кераклигини кўрсататирган бир мажмуа эди. Бу тўпلامда ахлоқий ва шаръи адаб орасида минг йиллардан бери диний ҳаётда машҳур бўлган ҳикоя-ривоятлар ёзилган эди...

Бу афсоналар билан етишган бола мадрасага келган шу афсоналарни яна такроран "мантиқий" тарзда "буюк одамлар" томонидан, арабча тил билан "қаноат қилдириллик далиллар" билан билиб чиқар эди. Ушал эски афсоналарни бизга тўплаб берган ва қадим араб тилида ёзилган китобларни бизга тожик тилида, истифодамиз учун осонлаштирилган ва биздан кўп ҳам узоқ замонда ўтмаган Тафсири Ҳусайини варақласак, анча зехнимизни очатирган маълумот топамиз. Бу китобнинг оти Тафсирдур. Тафсир демек Қуръонни англашилмаган нуқталарини очиб бермак демақдир. Бунинг муаллифи мавлоно Ҳусайн Воиздур ва Навоий-

нинг хоҳиси билан Навоий учун тартиб берилгандур. Алҳақ, тили, услуби, унда ҳар бир муносабат билан келтирилган байтлар лаззат берадирган нарсасидир. Бу тафсир ўзидан бурун ёзилган юзларча тафсилларнинг энг муҳим нуқталарини ичига олган бир қомусдир. Бундай нарсаси қандай эътиборсизлик билан қарамоқ мумкин бўлур? Ҳажми ҳам катта ва ичиди Қуръон бор. Ҳар бир қўлига олган киши аввал уни ўлуб сўнгра очар ва истаган мактаб жойини кўздан кечиргач, эҳтиром билан ёпиб, тоқчанин юқорисига қўяр ва бу китоб турган тамонга оёғини узатмас!

Шундай улуг китобнинг сўзига ким эътибор қилмасин?

Сўнги беш юз йилнинг бошланган олтин даврида ёзилган бу китоб ўтган беш юз йилнинг якуни ва кейинги беш юз йилнинг раҳбари бўлуб келган. Буни варақлаб кўрсангиз ҳеч бир ўзгаришдан асар бўлмаган музаниб-тош бўлуб қолган бир аҳволни кўрсатиб, бир бизда эмас эди бу ҳол. Арабистон, Туркия, Эрон, Афғон, Ҳиндистон ҳаммаси шу ҳолда эди. Балки ўшал йилларнинг фарб дунёси – Европа ҳам айни шу вазиятда эди. Галилейларнинг, коперникларнинг рўзгори ҳам шунга ўхшар эди...

Бехбудий ёш чоғларида бир йўл ҳажга бориб келган эди. Ҳаж йўли Русия шаҳарларидан ўтуб, Истанбул ва Мисрлар орқали бўлур эди. Бу сайру сафарда ўз шаҳрида ва озтар, янакмас муҳитида бўлмаган, кўрулмаган ва эшитилмаган нарсаларни кўрди. Мана шу йўл нарсалар ва аҳволот шу даврда кўп кишининг фикрини очишга сабаб бўлган эди.


Туркистонда биринчи қалдирғоч бўлуб янги ҳаракатларни вужудга келтирилганларнинг бир нечаси шу саёҳатлар натижасида бўлибдир. Саидахмад Ажзий, Ҳожи Муин Шукрулло (Меҳрий), Анджиқоннинг фаол жадидларидан бўлган Ҳожи Абдуллолар шу қаторда етишганлардандир. Бу одамлар газетчилик билан ўзларини етиштирилганлар. Муаллим Шақурий ўзининг янги йўллардан хабардор бўлишини ва янги мактаб очмак фикрига тушганини "Таржимон" газети билан танишиши билан бошланганини хикоя қилади. Юқорида кўрсатганимизча Бехбудийнинг устали ва пальтосининг киссаси газета билан тўла эди.

Бу ўзгаришларнинг яна бир сабаби рус мактабларидида ўқиш ва рус тили билан танишиш бўлган. Бехбудий рус тилида гаплашар ва ёзиб ўқурди. Ажзий бир оз замон туземний школада таҳсил давом этган ва сўнгра унда рус тили муаллими ҳам бўлган. Рус ҳукумати ва унинг фаол идеолог намояндаси Остроумов Туркистон рус мактаблари таъсис этиш ва уларни кўпайтириш билан бу аҳолини ўрусга муҳаббатли, садоқатли талаба табаа қилмоқчи эди. Лекин бу ерда ажойиб бир бошқалик вужудга келди. Энг ғаюр миллатчилар шу ўрус мактабидан чиққанлар бўлиб чиқди. Буларнинг бир нечасини Самарқанд миқёсида айтиб ўтмак зарарли бўлмас. Камол Ҳусайнов, Қори Комил, Рўзи Юсуф, Шариф Бадриддин, Туроббек Тўрабеков... Буларнинг ҳаммаси рус мактабларидан чиққанлар ва сўнгра партизанлик ҳаракатига фаол иштирок қилганлардан, яъни ўзларининг мураббийлари бўлган амалдаги ҳукуматга қарши чиққан одамлардир.

Бу бир аксул-амал эди. Истиқлол фикри ҳам шундан вужудга келган эди. У замонлар бу ҳол табиий эди. Интернационал идея ўрнашган сари, бу тарздаги тарбия қўлланган сари у зиддиятларнинг йўқолиши табиийдир.

Бу миллатчилик ва истиқлолпарварлик жараёни кўп йиллар янги фикр арбобларини ўзига машғул қилди ва шўро ҳукуматини кўп ташвишларга солди. Чунки совет ҳокимияти қанча тиришса ҳам уни тиришш узоқ чўзилди. Шу юқорида номларини тутганимиз миллатчилар ҳукумат идоралари устига ўтириб олиб, парда остидан ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Қосимовлар, Шариповлар ишлари очилгач кўп гаплар билинди.

Сўнг кунларда эшитилган ривоятларга қараганда, Рўзи Юсуфов ўзи шу босмачи деб аталган дасталар билан курашатирилган бир отряднинг бошлиғи – командири бўла туриб босмачилар билан кураш ўрнига уларга ёрдам бериб турган. Бу одам бир кун босмачи дасталарини қувмоқчи бўлуб аскар олиб чиқди. Улар билан бир учрашувда гўё мағлуб бўлуб қочадир. Шу баҳона билан аллақанча яроқ ва ўқ ташлаб



Ваҳуд Маҳмуд (1897–1976)

келадирким, улар босмачилар қўлига тушадир.

Абдулқодир Каримий деган бир киши босмачилар билан курашиш баҳонаси билан бир даста тузади. Бунинг отини часть особого назначения (ЧОН) қўяди. Бу дастани крепостдан олинган яроқ билан таъмин қилади. Сўнгра шу даста билан тамоман босмачиларга ўтуб кетади.

Шундай фаолиятлар давом этгач, совет тарафдорлари Самарқандда мулаларни, бойларни тўплаб бир мажлис ўтказадилар. Шу мажлисда мулла ва ўша замондаги нуфузли одамларни айблайдиларким, улар шу тўполонларни битирмайдилар. Шу мажлисда ҳозир бўлган қози, мударрис Исохўжа бу тухматни рад қилиб ҳукуматдорларнинг ўзларини муқассир деб кўрсатадир ва айтадир: "Босмачиларнинг яроғи ва ўқи қаердан чиқади? Крепостдан чиқади. Сиз они беркитсангиз бу ишлар битади!..."

Ҳақиқатан ҳам, бу сўз тўғри чиқди.

Бир кун Самарқанднинг янги расатсидан устига ўтин-шоҳ орқан бир эшакарова ўтиб боряпти. Регистонга яқинлашганда араванинг бир гилдирағи синиб ўтириб қолади. Уни кўтариб тиклаганда шохларнинг остидан милтиқлар, ўқ қутиси чиқади. Аравани ҳайдаб бораётган бир армени йигит ушланади. Крепостдан олиб чиқаётгани очилади.

Яна бир киши хикоя қилди. У замонлар заргарлик растасида китобфурушликлар бор эди. Бир китоб дўконидан китоб сотиб олдим. Бири "Равзат ус-сафо" тарих китоби ва яна бир луғат китоби эди. Очиб қарасам ичидан бир қоғоз чиқди, шу сўзлар ёзилган: "Маҳдум ака шу қоғозни олиб борган йигит билан 25/26 адад милтиқ ва ўқлар юбормоғингизни илтимос қиламан. Имзо Қори..."

— Мен ҳайрон бўлиб қолдим, — деди у киши. Кейинчалик маълум бўлдики, бу Маҳдум ака ким экан ва бу Қори ... кўрган маънадаги йигит билан бурунроқ киби Когоннинг қайси бир бузук бурчакларида тунар эканлар. Олиб келган маълумот қоғозини аввалдан белги-ланган бир чурук тут дарахтига тиқиб яширар эканлар. Кунда буларнинг хунари шу бўлган.

Сўнгра бу хунарманд Қарши шаҳрига тушади. Бунда қалъа атрофида ва зиндон теварағида ишлаш бошлайди. Шу чоқларда Бехбудийлар қўлга тушуб қамоқда ётган бўладилар. Худойберди Самарқандда яшаган чоғларида Бехбудийни таниган бўлган. Уларни зиндондан чиқариб ёр-сипорих – кўчаларни тозалашларини кўрган. Уларга яқинлашиб баъзи бир эҳтиёжларини чиқариб турар экан. Яна бир кун шуларни ер қазишда кўрган. Гўё улар бу кун ўзлари учун қабр қазарлар экан. Бехбудий қоғоз-қалам сўраб олади ва бир васиятнома ёзади. Худойберди бу қоғоз билан Самарқандга келади. Газетчилик билан машҳур бўлган Ҳожи Муин Шукруллога берилади. У киши бу васиятномани аввало газетга, сўнгра журналга "Маориф ва ўқитучи"га босдириб нашр этади. Шу кўрган воқеаларини ёзиб Худойберди Бухоро воқеалари мавзусида Ҳожи Муин билан бир китоб икки-уч пардалик бир пьеса ҳам тузадилар. Ҳожи Муин бу асарни ўзининг исми билан нашр этганидан Худойберди норозилик изҳор қилиб юрар эди. Бу Худойберди ҳали тирик, мендан бир-икки ёш улуг бўлса керак. Яхши йигит, ҳеч кимдан унинг ҳақида бир ёмон сўз эшитганимиз йўқ.

Анвар Бойсунда урушда ўлди. Киссасидан "Дамади халифани муслимин – Анвар" ёзули муҳр чиққан. Шундан уни танганлар. Ва шунда кўмганлар.

Бехбудий 1919 йилда Қаршида Тоғайбек томонидан ёлланган шериклари Мардонкул ва Маҳмадқуллар билан ўлдирилган хабарини олган сўнг Самарқанд ёшлари бир жаноза маросими ташкил этидилар ва шу шайхларни ёдлаб, уларнинг уйларига бориб ишлари-дан ҳикоялар қилиб айлаиб чиқдилар.

Бу муҳит ажиб бир муҳит эди. Ҳар ким ҳар не деса маъқул, мухокама ва ақл ишлаш йўқ. Бир кун бириси каллош воқеасини чиқаради. Каллош янги чиққан йиллар эди. Овоза бўлдики, каллошнинг патағи остида Калими тавҳид ёзиб қўйганлармиш. Ким, мусулмонлар кийсалар гуноҳга ботиб, дўзахга тушунлар деб. Бир гафво кўтарилди. Каллош кийганлар бўладиган бўлдилар. Бир неча вақт одамлар каллош кийиш-

дан ҳазар қилдилар. Тугмалик камзул шундай харом саналди. Бу аҳволот эсга келтирилса, у давронда Бехбудийларнинг вазияти қандай оғир экани биланар.

Бехбудий икки масалада айбландилар. Биринчиси, унинг Ҳўқанд мухторият ҳукуматида иштироки билан. Иккинчиси, унинг хорижий давлатларга миллатлар иттифоқига шикоят учун бориш нияти билан. Бу эски масала бир-бири билан боғлангандир. Инқилоб йилларининг бошида ким, қайси миллат истиқлол учун курашмади ва ҳозир бутун дунёдаги миллатлар на учун курашадилар?

Ҳўқанд мухторият ҳукумат куч билан тарқатилса, у қаёққа борсин! Кимга шикоят қилсин? Шу ташаббуснинг ўзи ҳам Бехбудийнинг фаолият билан қайнаганини кўрсатадир. У бу ҳолни кўруб, қўл қовуштируб таслим бўлиб ўлтирмайдир, курашга бел боғлабдир...

У замонлар ҳали озод миллатларнинг ўз ихтиёрлари билан уюшиб бир давлат туза олишлари, хусусан, Русиядаги турли миллатларнинг бирлашиб бир давлат қурушлари фикри ҳеч кимнинг ақлига келмас эди. Москва ҳарақатларини эски жаҳонгирлик тариқи деб билар эдилар. Шу андиша билан турли миллатлар арбоби Москвага қарши курашдилар. Кейинги импер(ия)нинг аҳволоти энди у ўтганларга ўхшамайди. Миллатлар жумҳурият шаклида уюша бошладилар. Бехбудий бу ҳолни кўрса эди, жону дили билан қўшилишиб ҳамкорлик қилар эди.

Самарқандимизда Худойберди деган киши бор. Бу йигитнинг айтганига қараганда, босиб Қашқардан шу томонларга келиб қолган. Унинг хунари эгарчилик бўлган... Мен шу йигитни инқилобнинг бошланғи йилларида Самарқанд тепа кўрғонига (крепостда) командирга ўхшаб бир маъмуриятга кўрдимки, биз ёшларга харбий машқлар таълим берадир. Бир-икки-учларни такрор қилиб юрардик.

Бу кишининг айтишига қараганда, шу йилларда у Бухорога юборилган.

Ҳали у замонлар Амир Олим ҳукмронлик қилмоқда бўлган... Худойберди Бухорода бир кўп гадои топиб, унга йўл-бошловчи сифатида асосини ушлаб кўчама-кўча юратирган бўлган. Когон дарвозаси эрталаб очилиши билан бу икки гадои бир-бирига суяниб тақларини тутуб Бухоро шаҳрига кириб, кўча-бозорларни қадамлаб гадоилик қилиб, шаҳарнинг ҳар бурчагига кириб чиқаришлар. Одамларнинг сўзларига қулоқ солиб шаҳарда нима воқеалар юз берганини эшитиб юрармишлар. Бухоронинг аркига яқинлашганда у ерда бир вазифа билан хизмат қилиб турган тоғасини ёки бир бошқа қариндоши билан кўрушуб аҳволотдан хабардор бўлар эди. Бу тоғаси кунда бўлган воқеаларни ёзиб, Худойбердига берар ва бу гадоилар кечқурун шаҳар дарвозаси ёпилишидан бурунроқ киби Когоннинг қайси бир бузук бурчакларида тунар эканлар. Олиб келган маълумот қоғозини аввалдан белги-ланган бир чурук тут дарахтига тиқиб яширар эканлар. Кунда буларнинг хунари шу бўлган.

Сўнгра бу хунарманд Қарши шаҳрига тушади. Бунда қалъа атрофида ва зиндон теварағида ишлаш бошлайди. Шу чоқларда Бехбудийлар қўлга тушуб қамоқда ётган бўладилар. Худойберди Самарқандда яшаган чоғларида Бехбудийни таниган бўлган. Уларни зиндондан чиқариб ёр-сипорих – кўчаларни тозалашларини кўрган. Уларга яқинлашиб баъзи бир эҳтиёжларини чиқариб турар экан. Яна бир кун шуларни ер қазишда кўрган. Гўё улар бу кун ўзлари учун қабр қазарлар экан. Бехбудий қоғоз-қалам сўраб олади ва бир васиятнома ёзади. Худойберди бу қоғоз билан Самарқандга келади. Газетчилик билан машҳур бўлган Ҳожи Муин Шукруллога берилади. У киши бу васиятномани аввало газетга, сўнгра журналга "Маориф ва ўқитучи"га босдириб нашр этади. Шу кўрган воқеаларини ёзиб Худойберди Бухоро воқеалари мавзусида Ҳожи Муин билан бир китоб икки-уч пардалик бир пьеса ҳам тузадилар. Ҳожи Муин бу асарни ўзининг исми билан нашр этганидан Худойберди норозилик изҳор қилиб юрар эди. Бу Худойберди ҳали тирик, мендан бир-икки ёш улуг бўлса керак. Яхши йигит, ҳеч кимдан унинг ҳақида бир ёмон сўз эшитганимиз йўқ.

Ваҳуд Маҳмуднинг шахсий архивидан олинган "Маҳмудхўжа Бехбудий" асарини нашрга тайёрловчилар:

ЗЕБО ХУРРАМОВА,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори,
доцент
Нажот ВАДУДЗОДА
(Ваҳуд Маҳмуд ўғли)



Бошланиши 1-саҳифада.

Қаранг-а, бир қарашда икки талқин ҳам аслида бир хил, кўп фарқи йўқдай, шунчаки сўзларнинг ўрни алмашиб қолгандай туюлади. Лекин биринчиси элтузар, иккинчиси элбузар ғоя. Яъни, дунёни яхши томонга ўзгартиришга хизмат қиладиган ғоя сўзларнинг ўрни алмашиши билан дунёни бузадиган ғояга айланиб қолган. Математикадаги "Қўшилувчиларнинг ўрни алмашган билан йиғинди ўзгармайди" деган қоида сонлар учун амал қилади, лекин сўзларга тўғри келмайди. Бундай ҳолатда йиғинди у ёқда турсин, ҳатто фалак ҳам тескари айланиб кетиши мумкин. Аста-секин бу фикрни омма "Истаганингча эркин бўлавер, керак бўлса, маърифатнинг ўзи келади", бора-бора "Эркин бўлсанг бўлди, маърифат шартмас" қабилида қабул қила бошлади. Хуллас, инсоний қадр ва эркинликни фақат маърифат беришини назардан четга суриб ташладилар. Бу ҳодиса дунё маънавиятини ҳалокатга торта бошлади. Ғарбнинг ўзидан, Оврупо юрагидан чиққан маърифатпарвар Риваролнинг ташхисидан сўнг кўп ўтмай Ғарб маънавий буронлар ичида қолди.

Баъзан маърифатли, чин маънодаги эркин, хур фикрли одамлар билан гаплашиб қоламан. Уларга ич-ичиндан ҳавасинг келади, ҳурматинг улғу бўлади. Уларнинг баландлигини, улғуворлигини, катта Инсонлигини ҳис этасан. Уларни кузата туриб, ўзининг тафтиш қилиб кўрасан ва баъзи майдақашликларингдан уялиб кетасан. Маърифатли эркинлик одамни юксакка кўтарди, Худого яқинлаштиради, маърифатсиз эркинлик тубанликка тортади, шайтонга яқинлаштиради. Буни эркинлик деб бўлмайди, асло. Асло! Ғарб бу залоланинг қанчалик жабрини тортаётгани дунёга аён. Бир жинсли никоҳлар, қариган ота-онани қаровсиз ташлаб кетишлар, ҳаё ва ибод, меҳр ва оқибат таназзули, хиёнатлар, худбинлик ва маҳдудлик каби юзлаб иллатлар қатор халқларнинг тарихий илдиэларини қуртлатиб юбормоқда. Агар ҳозирги замон иллатлари энциклопедияси чоп этилса, камида 10 жилд бўладиёв. Баъзи фильмлару, боши адоғи йўқ сериалларни кўриб, булар хиёнат ва сотқинликни, зўравонлик ва бузуқликни фазилат деб эълон қилишмасга гўрга эди, деган ўйга борасан. Шубҳасиз, эркинлик буюк неъмат, ҳатто муқаддас неъмат, лекин у маърифат билан қадри, маърифатсиз "эркинлик" бемаъналик ва қотилликдан бошқа нарса эмас. Интернет ва ижтимоий тармоқлардаги миллионлаб расвогарчилик ва баъқаналик, беҳаёлик ва олди-қочдилар, фитнес-фасод, ҳатто фақш ва қотилликлар ҳам эркинлик ниқоби остида намоён бўлаётгани алам қилади. Менинг бу фикрларимни тўғри тушунишларингизни истардим. Мен сўз эркинлигини қаттиқ хурмат қиламан, фикрлар хилма-хиллигини жуда қадрлайман. Бусиз тараққиёт ҳам, тафаккур ҳам бўлмаслигини яхши англайман. Лекин сўз эркинлиги билан иғво эркинлигининг, фикрлар хилма-хиллиги билан шаллақиликлар хилма-хиллигининг осмон билан ерча фарқи бор. Биз баъзида фикр нима-ю, вайсақилик нима эканини фарқлолмай қоляпмиз. Бу гул билан гўннинг фарқида боролмаслиқдай гап. Ижтимоий тармоқларда бир тўда ўқувчиларнинг 60 ашар ўқитувчисини елкасига миниб ураётгани, Навоий ҳайкали пойида бир тирақининг даҳони масхаралаб кулаётгани, гапига илон пўст ташлайдиган бир уятсиз хотиннинг шармандаларча валақлаётгани, баъзан андишали одамлар устидан мағзава ағдарилаётгани (санайверсанг адоғи йўқ!) — буларни нима деб аташ керак. Эркинликми бу, фикрлар хилма-хиллигимми?!

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керак, ижтимоий тармоқларда баъзан жонкуяр одамларимизнинг эл-юрт тақдирини, адолат, бизга четдан бўлаётган таҳдидлар, ватанимиз шаънига айтилаётган тутуриқсиз иддаоларга дадил жавобларини, миллий муаммоларимиз масаласида самимий, илғор фикрли чиқишларини кўраемиз. Лекин уларнинг овозини ҳам бемаъни шовқинлар, оғзи шалоқ ғийбатлар босиб кетаётганига ғувоҳ бўламиз. Чунки биз ўзимизга нима керак-у, нима керак эмаслигини билмаймиз. Чунки ҳамма гапирсам дейди, бақирсам дейди, биров тингласам дейди.

Эркинликнинг илдиэлари маърифатдан сув ичади. Инсон эркинлиги билан Ватан озодлиги чамбарчас боғлиқ жараёнлар. Яъни, инсоний эркинликнинг масъулиятини билмаган одам Ватан озодлигининг моҳиятини ҳам билмайди. Рабиндранат Тагорнинг бир гапи ҳаммамизга доимий дарс бўлиши керак: "Озодликнинг абадийлигини фақат бир нарса таъминлайди. У ҳам бўлса маърифатдир". Менимча, энг тўғри гап шу. Маърифатсиз озодлик озодлик эмас.

КАТТА ПУЛ ДАРДИДА

Одамни маърифатдан қайтарадиган ҳар қандай нарса уни Худодан қайтарадиган иллатлар билан бир қаторда туради.

ҲАЛОКАТНИНГ СИРИ НИМАДА?

Қўшилувчиларнинг ўрни алмашганда йиғинди ўзгаради



Жадидлар бизга ҳар ишда мудом ибратдирлар. Улар бутун кучни маърифатга қаратдилар. Наҳотки маърифатда деб билдилар. Эркинлик ва озодликнинг таянчи маърифат эканини тинимсиз ўқитдилар. Шу билан бирга юртнинг катта бойларини илму маърифатга хизмат қилишга, бу йўлда маблагларини сарфлашга ундадилар.

Катта пул ва бойлик нимага хизмат қилиши керак? Инсоннинг инсон бўлиши учунми ё юхого айланиши учун? Юртимизда эзгулик, илм-фан, адабиёт учун ҳиссасини қўшаётган билан бор. Лекин аксарият пулдорлар билан гаплашиб қолганинда дилинг оғриди. Уларнинг гап-сўзларидан, ўзини туттишларидан "Уша маърифат-паърифатинг таг-томири билан йўқ бўп кетмайдими? Менга нима?" деган оҳангни сезасан. Ҳар икки куннинг бирида тулпа-тузук лавозимда, яхши маош, обрў билан ишлаб юрган ўзига тўқ амалдорлар катта пора билан қўлга тушиб қолгани ҳақидаги хабарларни ўқиймиз. Агар шу кимсаларнинг ичида озгина маърифати бўлганда эди, қадрини қорнига алмаштириб ўтирмасди.

Катта пулни оруз қилмаган одам камданкам топилади. Балки топилмас. Ҳар қандай одам умрининг қайсидир босқичида бу ҳақда ўйлайди ва ҳавасига тушади. Одамимиз, бас, бу васвасга қайдадир бир эмас, бир неча бор дуч келишимиз тайин. Фақат кимнингдир умри мавсумларидан бу нарса ўткинчи ҳиссиёт каби ўтиб кетади, кимнидир эса домига ютиб мангу қўлга айлантиради.

Нафс табиатида бир хусусият борки, у очилган сари очилиб бораверади, оқибатда юхого айланади ва ўз эгасини ҳам ютиб юборади. Катта пул бор жойда хатар бўлади, дер эди онам. Ўзбек халқ эртақларидаги хазина устида ётадиган аждаҳо тимсоли ҳам шундан оғоҳ этади.

Манглай тери билан маблаг топиб, бойлик орттараётганлар ҳам бор. Гапим кимларгадир ғалати туюлса-да, бир нарсани атай. Манглай тери билан топилган пулда маърифат бор. Чунки бу бойлик ортида меҳнат ётади. Чин меҳнат ҳам маърифатдир. Шунинг учун меҳнат одамни тарбиялайди, дунёга қарашларини ўзгартиради.

Мен ёшлар билан учрашувимда ҳам айтдим. Пулингиз кўп бўлгани яхши. Лекин ичингизда маърифат бўлмаса, юз миллион долларингиз бўлса ҳам бу бойлик сизни қутқаролмайди. Маърифатсиз ҳар қандай куч пуч ва ҳалокатга маҳкумдир.

Яна бир гапни бот-бот такрорлайман: катта пул фоҳишада ҳам бўлиши мумкин, ашаддий жиноятчида ҳам, қонхўр маняқда ҳам, аблаҳ бир ғаламисда ҳам бўлиши мумкин. Таққос учун бошидан уэр сўрайман-ку, дейлик, Эркин Воҳидов ё Абдулла Ориповнинг пулидан кўра машина ўғриси бўлган бир мафиознинг пули юз минг баробар кўп бўлган бўлиши мумкин. Бунга тарихда ҳам, бугунги замонда ҳам мисоллар кўп. Лекин маърифат ҳаммада ҳам бўлавермайди. Бошингизни минг жойга ураверинг, минглаб важларни пеш қилаверинг, барибир, охир-оқибатда одамнинг одамлиги унинг маърифати билан ўлчанади.

БУЗУҚ ЎЛЧОВ БИРЛИГИ

Шундай одамчалар тўдалари пайдо бўляптики, моддий фойдадан бошқа нарса уларнинг кўзига кўринмайди. Улар учун бундан бошқа ўлчов бирлиги йўқ! Мен баъзида ўйлаб қоламан яна 15-20 йилдан сўнг уларга Беруний, Улуғбек, Навоий ҳақида гапирсанг, "Ўтмишда ўтган бўлишса ўтишгандир, менга нима фойдаси бор" дейишлари аниқ. Мен ўн-ўн беш йилдан сўнг деб андалалаб гапирётгандирман, ҳолбуки бу кўргилик бошланб бўлган. Фахр тўғусининг ўлиши ёмон нарса, одамнинг илдиэларини қуритади.

Яна бир гап. Фақат ўқининг ўзи билан маърифатга тўлиқ эришиб бўлмайди. Муҳаббат, иймон, садоқат, ватанпарварлик тўғуларини ҳам ўқиш, ўрганиш баробарида улғайиб бориши керак. Шундай одамларни кўрганманки, улар ўқишни билишмасди, мактаб кўрмаган, ҳарф танимас эдилар. Лекин саводсиз саводлилар эди улар. Уларнинг юраги маърифатга тўла эди. Боболаридан фахрларини, ватанини жондан севишар, ор-номусини ҳамма нарсдан устун қўйишар, эзгулик ва имон билан яшашар эди. Гарчи ҳарф танимаса-да, уларни ўқимаган деб ҳам бўлмас... Чунки улар ўз халқининг қадимий афсоналари, дostonлари, эртақлари, ҳикматларини, эзгу ҳаёт қоидаларини қон-қонига сингдириб юборишганди. Бу ўринда яна Нобель мукофоти соҳиби Мигель Анхель Астуриаснинг ўша гапини эслаб ўтмак жоиз: "Аслида энг яхши романлар ёзилмаган, айтилган!"

Мен яқинда олий даргоҳларимиздан бирида магистрлардан имтиҳон олишда қатнашдим. Яхши билимли ва фаросатли, юртпарвар ёшларимиз бор. Уларни кўриб, кўзинг яшнади, кўнглинг тоғдай ўсади. Лекин улар қаторида илдиэзини йўқотиб қўйган ёшларимиз ҳам учрайди. Имтиҳон вақтида шундай ёшларни кўрдим. Улар учта тилни билади, дунёнинг нариги бурчидаги ҳодисаларни билади, ҳар балони билади, лекин Ватанини билмайди. Бири Шайхонтохур туманида туғилган, шу ерда унб ўсган, шу ерда воёга етган, лекин "Сен туғилган туманинг номи нега шундай аталади?" деб сўрасанг, тинимсиз сақич қанади. Шайх Ҳованди Тоҳир ҳақида тасавури ҳам йўқ. Биридан "фамилиянг палончиев экан, хўш, бобонинг исми маъносини айтиб бер-чи" десангиз, айтолмайди, куракда турмайдиган гаплар билан аравани қуруқ олиб қочади. Яна бири Навоийдан бирор ғазал ё рубоий у ёқда турсин, "Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз" деган тўртта сўздан иборат кичик бир ҳикматни айтиб бўролмайди. Шу юрт озодлиги учун жонини берган, ватани учун отилган, осилган Чўлпон, Фитратлар ҳақида айтадиган икки жумла гапи йўқ, яна "магистрман" дейди.

Ошириб юборяпсиз, деманг. Мен кўрганганим айтяпман. Тағинам, қисқартириб айтяпман. Икки-учтамас, ўнга тилни билинг, Америка, Австралия, ҳатто Антарктидагача яхши билинг, лекин ҳаммасидан аввал Ватани билинг. Ватани билмак керак. Ватан-

ни билмай, дунёни билишнинг фойдаси йўқ.

Шундай шўрликлар борки, улар имкони қилиб, Худони ҳам алдаса бўлади деб ўйлашади. Кейинги пайтларда одамларнинг яхши ният, ҳалол меҳнат билан пластик карталарига йиққан пулларини ўмариб кетаётган пора олаётган бир амалдор "Худо билса, билсин, қонунчиларнинг қўлига тушиб қолмасам бўлди" қабилида иш тутайди.

Маърифат шундай нарса эканки, бир аҳмоқнинг мия қоққонини очиб, ичига тўлдириб бу неъматни тикиб қўйсанг ҳам юкмас экан. Уни юқтириш она қорнидан, бешиқдан бошланиши керак экан. Ёши қирққа бориб қолган эшакнинг қонини алмаштирган билан ҳеч нарса ўзгармайди.

700 ЙИЛЛИК ҲИҚМАТ ВА 2 КИЛОЮ 360 ГРАММ ПАЛОВ

Энди ким кўп ош ейиши бўйича "чемпионат"ни ҳам бошлаб юбордик. Ана ташаббусу мана ташаббус! Қойилмақом ғоя! Бизга шу етмай турувди ўзи. Самарқандда бўлиб ўтди бу доврўқли мусобақа. Унда бир кишига 2,5 килограмм палов берилди ва ошхўр уни 30 дақиқада еб тугатиши керак. Дард устига чиқон деганларидай, мусобақа бошида бошловчи озиз кўпиртириб, ким кўп ош ейиши бўйича бўлиб ўтаётган бу мусобақа "Мустақиллигимизнинг 33 йиллигига бағишланади", деб тантанали эълон қилди. Э-воҳ, ит уриштиришдан ҳам хунуқроқ бу машаашага мустақилликни аралаштирмасанглар бўларди, биродарлар!

Ошхўрларни томошабинлар гулдурас қарсақлар, олқишлар билан кутиб оладилар. Худди халқ қахрамонларини кутиб олаётгандек. Интервьюларни айтмайсизми? Ё тавба! Ёқангни чок-чок этишдан бошқа йўл қолмади. Кўп ошхўр ейиш билан ҳам мақтаниб бўладими, аксинча бунинг учун уялиш керак-ку, ўй мусулмонлар! Ёрилиб кетгунча ошхўр ейиш, бўкиб қолиш қайси ахлоққа тўғри келади?

Мусобақа давомида бошловчи: "Кимнинг ғолиб бўлиши Аллоҳдан, албатта", "Чемпион санокчи дақиқалар ичида аниқ бўлади", "Бадиий саҳнамизга бугунги унутилмас кечамизнинг полвонларини олқишлар билан тақдир этамиз", "Улар бугун ўзига хос обрўга эга бўлишди", "Мана шунчаки фестиваллар, чемпионатлар кўп бўлишини тилаб қоламиз" каби пуфакларни тинимсиз пуфлаб турди. Ҳамма томонни пуфак босиб кетди.

Хуллас, бу чемпионатда учинчи ўриндаги 36 ёшли иштирокчи 1 килою 600 грамм, иккинчи ўриндаги 33 ёшли ошхўр 1 килою 650 грамм, биринчи ўрин шоҳсупасига қўтарилган 44 ёшли ошполвон 2 килою 360 грамм паловни паққос тушириб, "шонли тарихга ўз номларини муҳрладилар".

Эҳ фаросат, фаросат! Мунчалар хор бўлдинг, шўрлик фаросат!

Эркин Воҳидов бир шеърида: "Менинг бир қўшмин бор унга тўй ҳам, аза ҳам битта нарса: ошхўрлик", деб ёзган эди.

Нақшбанд бобоимизнинг: "Кам е, кам де, кам ухла" деган 700 йиллик ҳикмати ҳам ҳайф кетди. Бу ҳикмат 2,5 кило паловга қўшиб еб юборилди.

ОДАМ БЎЛСИНМИ Ё ҲЎКИЗ?

Маърифатсизлик одамни минг кўйга солади. Бир пулга қиммат арзимаган ҳою ҳавасларнинг баттол ҳаммолига айлантиради. Йиғинларда кимнидир доллардан тикилган қўйлакни кийдириб, ўртага чиқариб, қутуртиради. Яна бир нодонни илм ва олимнинг устидан кулдириб, бўкиртиради. Ўзига тўқларни шу ҳолга туширса, ўзида йўқларни ҳақ-хуқудини танимайдиган, дуч келганга алданаверадиган, фикрсиз гўлларнинг гўлига айлантиради.

Ёмон иллатларимиздан бири — кўпинча арзимаган майда-чуйда нарсалар кетидан чопиб, катта нарсаларни бой берамиз. Битта дабдабали тўйга кетадиган пулга бир ўғилни яхши жойларда ўқитиб одам қилишимиз мумкин. Йўқ, бизга тўйдаги сохта дабдабаю уч кунлик кўпик мақтовлар керак. Ўша



Эшқобил ШУКУР

ўғил одам эмас-да, бир ҳўкиз бўлиб етилар, лекин обрў кетмасин, деймиз. Шу обрўми?

Жаҳон халқларининг қай бирин тарихига қараманг, уларни фақат илм-фан ва маърифат Халқ қилган, қаддини кўтарган, тоғдай ўрнини белгилаб берган.

ЭЛ НОМУСИ

"Она Ватан", "Она юрт" деган ибораларни кўп ишлатамиз, баъзида меъеридан ошириб ҳам юборамиз. Бу сўзлар азиз сўзлар, муқаддас сўзлар. Лекин кейинги пайтларда мени бир нарса қаттиқ ҳавотирга солади. Ватанимиз ҳақида хорихда оғизга кучи етган-етмаганлар ҳар хил хунук гапларни айтиб қолишади. Ҳатто уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга юртни тарихсизга чиқаришади. У ерда тарихни биз яратганмиз деб тўхматлар қилишади. Улар халқимиз, миллатимиз, тарихимиз, юртимиз шаънига номақбул гапларни ҳам айтишади. Бундай гапларни бизнинг ҳар биримиз ўз онамиз шаънига айтилаётган гап деб қабул қилишимиз керак ва бунга зарур жавобни беришимиз шарт. Шунда Ватанини она дейишга ҳақли бўламиз.

Ҳар бир ўзбек "Ватанимнинг шаъни бу — менинг ўз онамнинг шаъни" деган хулосага келиши керак. Болаларга мактабдан шу тўйғуни сингдирмасак бўлмайди. Дунё қалтис тус олиб бўлди. Бундай вазиятда бизни ичимиздаги маърифат сақлаб қолади. Мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган маърифатли жамаит ғояси келажакни ҳимоялашни ўзида мужассамлаштирган.

Азиз юртдошим! Бир инсон сифатида, шу юртнинг бир фарзанди сифатида мен ҳаммамизнинг бир нарсани тўлиқ англаб етишимизни орзу қиламан. Азиз ватандошим! Беғубор орузлар билан Бойсунда юрган бир қизнинг номуси, ё Марғилонда яшаётган бир қизнинг номуси, ё Баҳмалда бўйга етаётган бир қизнинг номуси... Хуллас, ҳамма-ҳамма си сен билан менинг номусимдир, азиз ватандошим, пировардида Ватан номусидир. Чунки улар миллатнинг эртанги оналаридир.

Азиз юртдошим! Ҳузорида бўй қўзаётган бир ўғилнинг ори, Андижонда қаддини кўтарайётган бир ўғилнинг ори, Тошкентда манаман деб етилаётган бир ўғилнинг ори... Хуллас, ҳамма-ҳамма си сен билан менинг орим ва келажакимдир, азиз ватандошим, пировардида Ватан келажакидир.

АРЗ ВА ИЗҲОР

Башариат ўн минг йилда ҳам Худого айтадиган гапларини айтиб тугатолмади. Бўлмасам, шоирлар, мусавирлар, санъаткорлар пайдо бўлмадилар. Инсониятнинг ҳар бир авлоди сўнгсиз арз ва изҳорларнинг давоми билан дунёга келаверади. Бу зор ва изҳор абадиятда ҳам давом этаверади. Токи дунёга изма-из келаятган инсон авлодларининг Худого айтар арзи ва изҳори бўлар экан, унда маърифат ҳам бардавом бўлаверади.

Одамни ҳам зоҳиран, ҳам ботинан Яратганга боғлайдиган ҳамма нарса, каттага кичиклигидан қатъи назар маърифатдир. Ҳоҳ у эзгу фикр бўлар, ё бирор муҳтожга тирноқча яхшилик бўлар, ё ватан учун қахрамонлик бўлар, ё қўшни учун кичик бир сийлов бўлар...

Шайх Саъдий Шерозий:

*Сўйна лиммо-лим аламдир қайда
малҳамдин дарак,
Янги одам, янги олам қайтадин
тузимок керак...*

— деганида маърифатли дунёни назарда тутган эди.

Пифагор ҳам "Худонинг Ер юзида тоза қалбдан бошқа яхшироқ бошланаси йўқдир" деганида маърифатга тўла қалбларни назарда тутган эди.

Сўзимнинг охирида яна ўша гапни такрорлайман. Дунё тарихидаги ҳамма халокатларнинг сири маърифатсизликда! Ҳамма яхшиликлар сири маърифатда, фақат маърифатда!



СИЙМО

Ўзбекистон халқ артисти, профессор Шухрат Аббосов ўзбек кино санъати ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли санъаткор, ўзбек маданиятининг даргаларидан бирidir. Миллий кино санъатимизнинг, миллий театр санъатимизнинг, миллий санъат педагогикасининг жуда кўп саҳифалари Шухрат Аббосов номи билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида қирқ йилдан ортиқ педагогик фаолиятида профессор Шухрат Аббосов юзлаб шогирдлар етиштирди. Улар ўзбек маданиятининг турли йўналишларида, хусусан, кино санъатида ҳам ҳозиргача қизгин фаолият юритиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Шухрат Аббосовнинг педагогик фаолиятига унинг бевосита кино санъати, театр санъатида орттирган улкан тажрибалари асос бўлди, десак, янглишмаймиз.

Шухрат Аббосов кино санъатида ҳам, театр санъатида ҳам улкан ва бетакор из қолдирди. У дастлаб фаолиятини театр режиссёри сифатида бошлаб, асосан вилоят театрларида диққатга молик спектакллар саҳналаштирди. Кейинчалик, яъни ўтган асрнинг эллагинчи йилларидан миллий кинога кириб келиб, унинг ривожига учун катта хизматлар қилди. Шухрат аканинг номи



ЎЗБЕК КИНО САНЪАТИНИНГ ДАРҒАСИ

тилга олинганди, албатта, биринчи навбатда унинг ўзбек киносининг мумтоз намуналарига айланган фильмлари ёдга келади. "Маҳаллада дув-дув гап", "Сен етим эмассан", "Тошкент – нон шаҳри", "Муҳаббат моҳароси", "Абу Райҳон Беруний", "Оловли йўллар", "Катта урушдаги кичкина одам", "Отамдан қолган далалар" ва "Дилор, Дилор... дил ва ор" фильмлари шулар жумласидан.

Бу фильмлар том маънода ўзбек кино санъатининг ўлмас намуналари бўлиб қолди. Уларда халқимизнинг узоқ ўтмиши – минг йиллар ортидаги фан чўққиларини эгаллаш йўлидаги тафаккур ёлқинларини намоеън этиш даврларидан бошлаб, XX асрда юртдошларимизнинг дунё халқларига кўрсатган инсоний муносабатлари акс эттирилади. "Тошкент – нон шаҳри", "Сен етим эмассан" фильмларида ўтган асрнинг талотўпли, ниҳоятда мураккаб, оғир даврларида Ўзбекистонга келган минг-минглаб ёш болаларни, дастлаб 30-йилларнинг очарчилик даврларида, кейинроқ уруш йилларида, беаёв жанглар кетаётган паллада собиқ шўролар ҳудудидagi республикалардан – Россия, Украина, Беларусиядан эвакуация қилинган минглаб оилаларни ўз бағрига олиб, иссиқ ўрнини бўшатиб, жой берган меҳридаре ўзбек миллати вакиллари ҳақида ҳикоя қилинади.

Шухрат Аббосов ўз фильмларида халқимизни бутун дунёга бағрикенг, سخаватли халқ сифатида, ўзбекларни мунис, мушфиқ миллат сифатида тараннум этди. Шу тўғрисида бу фильмларни кўрган, ундан баҳраманд бўлган дунёнинг қайсики чеккасидаги томошабин бўлмасин, ўзбек халқи ҳақида ёрқин, ниҳоятда илқ таассуротлар олади. Шухрат ака айнан мана шу хизматлари билан ҳам миллатимизга шараф, эътибор, иззат олиб келди.

Шухрат Аббосовнинг кейинги фильмлари, хусусан, атоқли адиб Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романи асосида ишлаган "Муҳаббат моҳароси" картинаси ёки "Катта урушдаги кичкина одам"

деб номланган автобиографик мазмундаги картинаси ёхуд яна бир таниқли ёзувчи Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" романи асосида яратилган фильми миллий кино санъатимизнинг ривожига даражасини поғонама-поғона юксалтирган асарлар сирасига киради, десак муболага бўлмайди. Шухрат ака ўз асарларида инсон драмасини ҳам, унинг қалб кечималарини ҳам ниҳоятда нуқтабинлик билан акс эттиришга муваффақ бўлган ижодкор сифатида киноиз тарихидан муносиб ўрин эгаллаган. Унинг фильмлари орқали томошабинларнинг неча авлоди тарбия топган, неча авлод ўзбек томошабини ўша асарлар тўғрисида халқимизга, миллий санъатимизга, мамлакатимизнинг эртанги кунига дилдан хизмат қилиш туйғулларини қалбига сингирган.

Шухрат ака фикр доираси ниҳоятда кенг, ўзбек ва жаҳон адабиётини пухта биладиган чинакам зиёли инсон эди. Унинг суҳбатидан баҳраманд бўлган одам сира эрикамасди. Шухрат аканинг ноёб фазилатларидан яна бири – у юнон мумтоз адабиёти намуналарини ёддан билар, ана шу асарлар ҳақида соатлаб ҳикоя қилиб бериши мумкин эди. Унинг билим даражаси, қувваи-ҳуфиясининг кучлиги педагогик фаолиятида, айниқса, ёрқин сезилди. Шунинг учун Шухрат аканинг атрофида ҳаммиса шогирдлари гўжон эди. Умуман, унинг фаолияти, инсоний сифатлари ҳақида яна кўп фикрларни айтиш мумкин. Лекин Шухрат Аббосов деган йирик шахс – миллий санъатимиздаги ўзига хос бир маънавий ҳодисага тўла-тўқис таъриф бериш осон эмас.

Шухрат аканинг ёрқин хотираси, унинг кинода яратган ниҳоятда ҳаётини аънавалари ҳозир ҳам яшайпти ва халқимиз бор экан, миллатимиз бор экан, албатта, яшаб қолади.

Шухрат РИЗАЕВ,
Кинематография агентлиги директори

ИЖОД ВА ФАН МАЖНУНЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Москвалик бир арман инженери Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Ойбекка ёзган мактубда шундай сатрлар бор: "Ўзи Навоийга ўхшамаган адиб Навоий ҳақида бундай романни ёзолмаган бўларди". Ёзувчининг "Навоий", "Қутлуғ қон", "Улуғ йўл", "Олтин водийдан шабадалар", "Қуёш қораймас" каби эпик асарлари, дoston ва қиссалари, таржима драмалари, жамоатчилик фаолияти бошқа ёзувчилар, айниқса, ёш ижодкорлар учун ижод дорилфунуни бўлиб қолди.

Халқимизнинг шундай буюк намоёндаларидан яна бири, таниқли ёзувчи "Ойбекнинг маънавий издоши" (Хуршид Дўстмуҳамедов таъбири), йигирманчи аср ўзбек адабиётшунослигининг йирик вакили, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Наим Каримовдир. Олим ҳақиқий фидойиллик кўрсатиб ишлади ва яшади. Шу маънода, у кишини ўзбек адабиётининг тирик энциклопедияси эди, дейиш мумкин.

Тақдиротда дастлаб атоқли ижодкор адиб таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан

"Ойбек" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Кинематография агентлиги буюртмасига асосан "Байрам фильм" МЧЖ студияси томонидан "Халқ юраги" туркуми доирасида суратга олинган мазкур фильмнинг сценарий муаллифи ва режиссёри Элжон Аббосов. Зарифа Саидносирова тилидан айтилган матнларни таниқли санъаткор Лола Элтоева ўқиган. Академик Наим Каримовга бағишланган фильм эса "Илм мажнуни" деб номланиб, Кинематография агентлиги "Ҳужжатли ва хроникал" фильмлар студия" ДУК ҳамда "Маданият ва маърифат" телеканали ҳамкорлигида суратга олинган. Фильмда олимнинг 70 йиллик ижоди ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур фильм сценарий муаллифи ва режиссёри – Нурилла Нарзуллаев.

Фильм ижодкорлари, шоир, ёзувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тақдирот маросимида сўзга чиққан Кинематография агентлиги директори Шухрат Ризаев ва режиссёр Нурилла Нарзуллаев фильмларнинг мазмуни ҳамда аҳамияти ҳақида гапирди. Тақдиротдан сўнг ўзаро фикрлар алмашуви узоқ давом этди.

– Ойбек замонавий ўзбек адабиётининг даргаларидан бири. Бу улкан адиб, улкан шоир, улкан зиёли инсондан жуда катта ҳаётини ибрат қолган. Афсуски, бугун ёшларимиз Ойбек, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Одил Ёқубов ва шу қатордаги бошқа адибларимизни унутиб қўйишяпти. Шунинг учун Ойбек ва бошқа ижодкорлар ҳақидаги ҳужжатли фильмларни кенг оммага намойиш қилиш керак, қайта-қайта кўрсатиш зарур. Вақти-вақти билан, оралатиб телевидениенинг, майли, 21 та эмас, 10 та каналда кўрсатишсин. Бошқа адиблар, олимлар, академиклар ҳақида ҳам худди шундай фильмларга эҳтиёж бор.

Устозим, захматқаш, катта олим Наим Каримов ҳолис, ҳалол инсон сифатида умрининг сўнгги кунигача тинмасдан ишладилар, намуна кўрсатиб, XXI аср бошига доир бўлган тарихимизни, аниқ айтидиган бўлсак, жадидларимиз оламнинг энг мураккаб саҳифаларини, энг қоронғи саҳифаларини очиб бердилар. Жуда кўплаб фундаментал китоблар ёзди. Халқимизга номаълум, нотаниш бўлган топиқдиқ маълумотларни очиклади. Жадидлар ҳаётини ўрганиб, жадидларча ишлади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими



Улуғбек ҲАМДАМ,
адабиётшунос



– Устозимиз Наим Каримов умрини адабиётга бағишлаган олим. Мустақиллик йилларида асосан жадид адабиёти билан шуғулланди. Жадид сиймоларни архивлардан топиб, қолган умрини уларнинг ижодини илмий муомалага киритишга бағишлади. 91 ёшгача, охирига нафасигагача жадид дунёси, жадид муаммоси билан яшади. Бугун устознинг қўлларидан тушган байроқни олиб, чангини қоқиб, ишларини давом эттиришимиз керак. Шу миллат учун жонини тиккан, шу миллатнинг эртаси учун фидойиларча курашган адибларни қамаида устозимиз Наим Каримовдек кафтимизда кўтариб элга манзур қилишимиз, уларга муносиб тилда етказишимиз лозим.

Ойбек домла жадидларнинг шогирди. Тўғри, Ойбек бевосита жадид эмасди. Ўша пайтдаги авлод, Ойбекнинг авлоди, 20-йиллар авлоди "Мен жадидман" деб ўртага чиқиши мумкин эмасди. Агар майдонга чиқса, улар ҳам Чўлпон каби маҳв этиларди. Лекин уларда жадидлардан олган адабиёт, мафкура борасидаги тарбия бор эди. Мана шу тарбия борлиги учун ҳам, бугун совет даври тарих саҳнасида супурилиб кетганига қарамай, Ойбек ва ойбеклар ўқияпти, қайта-қайта нашр қилинапти.

Гулчехра УМАРОВА ёзиб олди.

ЖАҲОН МУСИҚАСИ

МАЭСТРОГА МАКТУБ

Қадрли маэстро!
Маълумингиз бўлсинки, бу мактубни сизга қарийб уч аср беридан ёзмоқдаман. Биламан, эндиликда вақтингиз кўп.

Туғилган кунингиз билан энг аввало, ўзимни табриклайман, кейин Юпитерни. Бўлмаса, ўзига аталган бундай мухташам симфониядан бебаҳра ўтарди. Шунинг тотиданми сармаст бўлиб, ҳалигача боши айлангани айланган, еттинчи осмонда учиб юради.

Ҳали ўсмир эдим, илк марта сизни менга "Ля мажор" сонатаси таништирганди. Кейинчалик, симфонияларингиз, айниқса "Фигаро" деганлари сизни даҳодан олиб, даҳога солганча мақтай кетди. Лекин ҳафа бўлмаган-у, "Туркча рақс"да деярли турк оҳанги йўқ. Бошқача номлаш керакми... Эҳтимол шарққа йўлингиз тушса, бари бошқача бўларди... Ишқилиб, "Серенада", "Менует", опералар... ҳаммаси менинг эртанги экан, ўйлаб қарасам. Дўстларим кам эди, соғлардан сиз давра кўрдим. Клавесин, пианино, скрипка, валторна, виолончель... ҳамма-ҳаммаси бу – сиз менга ошно қилган дилдош дугоналарим. Овози, руҳи, дарди бор... Қўли дунёнинг ҳур бурчагига етади. Худди сизники каби. Улар билан тиллашишни, яъни бу оламда мўъжизалар тили мавжуд эканини менга қуйларингиз ўргатди. Биласизми, қўшлар дирижёрлардек кўринади менга. Қанотлари билан табиат мусиқасини дам бошқариб, дам ўзи қуйлаб ўтади. Ҳаракатлари аро шамоллар гажак-гажак айланади, шовуллайди. Балки, у Сиздирсиз. Руҳ шунчалар ҳам энгил бўларми, а?



Ҳайрон қоламан, ижодкор шахсий ҳаётининг муҳитга бу қадар контраст асарлар ёзиши учун қанчалар моҳир ёки қудратли бўлиши керак! Шу қадар кўтаринки, шу қадар ёруғ, шу қадар ўйноқи тўлқинларни топган-сизки... Эшитаверсам, чалаверсам ҳаётни тобора севиб бораман, тўлқинлана-тўлқинлана уммонга дунаман. Маэстро, ҳаётингизни асарлар деразаси ортидан ҳайратланиб кўзатаркан, қўлларини чўзганча ўша уммонга чўкиб кетаман.

Эҳ, Моцарт, Моцарт... Даҳо бўлишинг бадали бунча оғир? Буюклик бу – юк. Шунинг кўтара олиши учун танланганларнинг руҳи тоғига бир кемтик берилганки, ўрнини истъод билан тўлдириб тугалликка эришади. Норасо, ноқис фалсафаларим

билан Сизниям бошингизни қотирдимми? Нима қилай, қанча чўқур кетганим сари дунёдаги барча оҳангу товушларнинг остида қачондир даҳшатли мангу сукунат содир бўлишини сезиб қоляпман. Шунинг кўркувиданми ўзимни овутаман, ўша бўшлиққа ҳам қачондир овоз ёйиладди, тўлар-ку деб. Эҳтимол ундай эмасдир. Аммо аниқ биламанки, ҳар қандай товуш, овоз бу ҳаёт белгиси. Худди, Сиз ҳалиям янграётганингиз, яшаётганингиз каби.

Хаёл беминнат улов. Шундоқ уйингиз олдида бориб аланглайди. "Ҳа, худди ўзи!" дейман-у, тушиб ич-танланганларнинг руҳи тоғига бир кемтик берилганки, ўрнини истъод билан тўлдириб тугалликка эришади. Тилла топгандай севиниб, авайлаб

очаман-да, ўқийман: "Соната"... кейингиси: "Месса", буниси-чи, хў-ўш... "Реквием"!

"Реквием"? Бутун вужудим билан "фаршлаг"га айланаман. Шу пайт клавесин устидаги шам ёруғида бир ниқобли шарпа лип этиб ўтади.

Тавба-тавба, боқий яшайдими булар?

Йўқ, аслида Сиз кетгач, ниқобли шарпаларга тўлган бу дунё. Асл юзлар қолмаган ҳисоб. Ана шу кўрғилик башарият инсонийлигини оммавий қабрларга қўмишда давом этапти. Кеча тушимда "Эшони шахид" мозоридида шахид бобомнинг сағанасини излаб юрганмишман.

"– Отамнинг қабрини қай ерга ёшурдинг?"

Бот сўйла!.."

Бирдан Фитрат ҳазратлари, кейин Чўлпон, сўнг Қоширий нафаслари елгандай бўлди. Кўп йиғиларни эшитган марвартак тут чайир шохлари оралаб эсан эпкин бир эзгин мусиқа кўтарди. Нечуқдир, бу сағир оҳанг яна Сизнинг олис қуйларингизни ёдимга қўйди. Ажаб! Ҳамма замоннинг даҳолари дарди ва нола-си бир хил бўлурми? Бугун-да минглаб салъери ва тригулварлари доғда қолдирадиган найранглардан қалбимизни қандай асраб қоламиз деган хавотирим бор. Шўқри, жавобим ҳам бор – санъат билан, маърифат билан! Шу тонг бир ҳижматни англаб етдим: умумбашарий даҳоларнинг вафот этган кунини йўқ, фақат таваллуд айёмлари бўлади, холос!

Туғилган кунингиз билан, Маэстро!

Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА

БОҚИЙ МЕРОС

Мамлакатимизда Туркистон жадидлик ҳаракати асосчиси, атоқли адиб ва жамат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда. Жорий йилнинг 21 январида Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида "Жадидлар ва Бехбудий меросини ўрганишдаги янги ёндашувлар" мавзусида ўтказилган аънавий халқаро илмий-амалий конференция ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.



ЎРГАНИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи, "Jadid" газетаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда бир қатор хорижлик мутахассислар, Бехбудий меросини ўрганишга бел боғлаган тадқиқотчилар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди. Улар орасида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг набираси Шохрух Бехбудий борлиги ва нутқ сўзлагани йиғилганларда катта таассурот уйғотди. Мазкур тадбир ўтказилган жой ҳам аслида ўзига хос рамзий аҳамиятга эга. Негаки, ушбу бинода 1914 йил Бехбудийнинг "Падаркуш" драмаси қўйилган. Ўзбекистон давлат сатира театрининг маҳоратли актёрлари ижросида илк саҳнага қайтган драмани шу ерда ҳам бўлган ёшлар ўзгача қизиқиш ҳамда олқишлар билан кўтиб олди.

Конференцияда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзодхон Қудратхўжа, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи директори Бахтиёр Ҳа-

санов, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, миллий матбуотимизнинг етакчи сиймоси Маҳмудхўжа Бехбудий меросини ўрганишда маҳаллий ва хорижий олимлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ёшлар орасида жадидларимизнинг ўлмас асарларини кенг тарғиб қилиш, улар бошлаб берган эзгу ишлар ва ғояларни давом эттириш борасида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Конференция доирасида маърифатпарвар олим, миллий озоқлик ҳаракатининг буюк намоёнчаси бўлган алломанинг ҳаётига бағишланган "Бехбудий феномени" китоби тақдироти ҳам ўтказилди. Мазкур китоб муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳалим Саидов ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Тадбир сўнгида Бехбудий ижодини ўрганиш ва уларни тарғиб қилишда ҳисса қўшган бир гуруҳ фидойилар "Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги" статуеткаси ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.



ТАРАҚҚИЁТГА ТЎҒАНОҚ



Бошланиши 1-саҳифада.

Бир неча йил аввал Президент Шавкат Мирзиёев айтилган масалага эътибор қаратиб, “Айрим пул топиб ақл топмаган, маънавий савияси паст кимсалар тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одавларни ўйлаб топяпти. Буларни эшитиб, баъзан одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолади” деган эди.

Шу ўринда жадид маърифатпарварларнинг юз йил олдин бу борада билдирган фикр-мулоҳазаларига эътибор қилайлик. Ҳожи Мўмин 1919 йилда: “Бизнинг халқ “мол ва жон кетса кетсин, обрўй кетмасин”, деб хатна ёки никоҳ ва ё аза маросимини ўрунға кетурмак учун қўлларинда бор нарсаларини бир-икки кунда ҳайратдан эстадилар, қарздор бўлалар. Қарзларини адо эта олмагач, охири, “молни одам толар, одамни мол топмас”. Деб ўз боғ ва ҳовлиларини сотиб, қарзларига бералар” деб ёзган.

Абдулла Қодирий эса “Қилди бу вақт бизда жавлон тўй, Оқчаси йўқни этди ҳайрон тўй” дейди.

Абдулла Авлоний “Халқимизни тўй маразидан қутқарурға тиришмак ва илож естамак лозимдир. Бола-чақаларини қўл кучи ила тўйдирадиргон, тўй деган ерда муқаддас Ватанини сотуб, сарф қилмокдан тортишмайдиргон, “ҳозира ҳузурам” деб истиқболини ўйламаган ва болаларининг саводатини тушунмаган бир қавмдан қандай тараққий, маданият ва маърифат кутмак керак?” деган ўқинчини изҳор этади.

Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудҳажа Бехудий эса “Миллатимиз тараққийиётига тўғаноқ бўладиган икки нарса бор: бу – тўй ва азадир”, дея қайд этади.

Афсуски, тараққийиётига катта тўсиқ ва ғов бўлиб келаётган бу иллатга барҳам бериш, тўй-маъракаларни ихчам, замонавий кўринишда ўтказиш ўрнига, тўйдан олдин ва кейин бўладиган керакли-кераксиз тадбирларни ўйлаб топиш, дабдабазлик қилиш, ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳолатлари тобора кучайиб бормоқда. Буни Қашқадарё вилояти мисолида кўриб чиқамиз.

ТЎЙ ЭМАС, КИМЎЗАР МУСОБАҚА!

Ота-боболаримиз азал-азалдан икки ёш унаштирилдими, уларнинг бошини битта қилишга асосий мақсад сифатида қараган, дабдабали тўй эмас, чиройли турмуш ҳақида қайғурган.

Ҳозир эса бўлажак келин-куёв томонидан бир-бирига то тўй ўтгунга қадар ҳар байрам, тўғилган кунда фалон миллион сўмлик совға-салом юборилиши одат тусига кирган. Бундай совға-салом ширинлик, қиммат кийимлардан иборат ва ёшлар ҳаётида асқотадиган жиҳати кам.

Бундан ташқари, аксарият фотиҳа тўйлари катта тўйдан деярли қолишмайди. Уларга камида уч-тўртта жонлик сўйилади, 400-500 одамга зиёфат берилади. Буям етмагандай, фотиҳа тўйида аёллар келувчиларнинг деярли ҳаммасига сарпо-сурўғ тарқатади. Айниқса, қуда томонга 3-4 кийимлик қиммат мато ва бошқа уст-бошлар, қуда томондан келган 20-30 аёлга ҳам кийимлик матолар совға қилинади.

Сўнгги вақтларда пайдо бўлган хунук одавлардан яна бири – куёвнинг уйини келин томон жиҳозлаб беришидир. Ме-

бель, гилам, парда ва бошқа жиҳозларни келин томон кўтаришига мажбур.

Бир қарашда бунинг ёмон тарафи йўқдек, гўёки бу – янги оиллага қилинган ғамхўрлик, рўзгорлик. Бироқ ҳаммининг шароити ҳар хил. Кимдандир бор имконият бошқа бировда бироз чекланган бўлиши аниқ. Натижада айримлар “Мен сендан камми?” дея бор-будига ёки қарзга бўлса-да, дабдабали тўй қилишга уринмоқда.

Ўрганишларга кўра, Шаҳрисабз тумани марказидаги Оқдарё, Янгиқошлок, Равот ва Абзийат маҳаллаларида келин томондан уй безаш, куёвга бериладиган сарпо ва мебель учун ўртача 25-30 миллион сўм маблағ сарфланиб, бундай ҳолатлар одатга айланиб улгурган.

Чироқчи тумани марказидаги Чироқчи, Чоштепа, Янгиобод, Навоий, Кишмиштепа, Ўзбекистон, Боғишамол маҳаллаларида эса сарпо ва мебель учун 20-30 миллион сўм пул кетади.

Косондаги Пахтазор, Широнобод, Дўстлик ва Месит маҳаллаларида айтиш мақсадда 30-40 миллион сўм сарф бўлаётгани муаммонинг кўламини кўрсатади.

Бундан ташқари, тўйдан кейин куёвникога тоғора жўнатиш, “чорлар” каби одавлар бир тўйда хотин-халажнинг кўнгилхушлиги, кимўзарга берилгани оқибатида янада оммалашаётир.

Кўқдала туманида келиннинг бир неча соатлик тўй либоси 1 миллиондан 8 миллион сўмгача. Деҳқонободда эса келинлик либоси 2 миллион 500 минг сўмгача, бошқа тумандан келтирилса, 4 миллион сўмгача баҳоланар экан.

Шу билан бирга, кейинги йилларда Ҳаж ва Умра амалларини бажариб келганлар томонидан юртга ош бериш, тўй қилишдек беҳуда одат кўпайди. Аслида, фақат Аллоҳ розилиги учун қилинадиган бу амални исрофгарчилик маросимига айлантириш кимга керак?

“Бир кунлик тўй ўтади-кетади”. Тўғри, ўтапти, аммо асорати кетмапти.

Албатта, юртда тўйлар бўлгани яхши, аммо муқаддас китобларимизда битилгани каби “Тўйларнинг энг яхшиси – камхарж тўй” эканини ҳам унутмайлик.

Кўйидаги рақамларга эътибор беринг: Китоб туманида сарпо учун никоҳ тўйида 8-10 миллион, фотиҳа тўйида ҳам шунча, суннат тўйида – 5-7, Ҳаж тўйида 3-5 миллион сўмгача харажат қилинмоқда. Асосий тўй тантаналари “Оқсув”, “Нур”, “Версан” каби тўйхоналарда ўтказилиб, тўйхона учун ўртача 5 миллион сўмгача харажат қилинади.

Касби туманидаги “Раҳим ота” тўйхонасини 500 киши учун бир неча соат банд қилиш 7 миллион 500 минг сўмга тушади.

Қамаш туманидаги “Жасмин” тўйхонасида бир кишига 12 минг сўмдан хизмат кўрсатилади ва минг кишилик тўйлар ҳам ўтади. Демак, биргина тўйхона банд қилишнинг ўзи тўй эгасига 12 миллион сўмдан камига тушмайди.

Кўқдалада никоҳ тўйлари учун ўртача 60-70 миллион, суннат тўйга 40-50 миллион сўм керак бўлади. Туман марказидаги тўйхоналарнинг хизмат кўрсатиш нархи 8-12 миллион сўм атрофида.

Яккабоғ туманидаги “Малика” тўйхонасида битта тўйни ўтказиш учун 7-8 миллион сўм кетади. Косон тумани марказидаги Нартибаланд, Нартичуқур, Муҳажул ва Лозор каби маҳаллаларда тўйлар учун 50-60 миллион сўм кетса, чекка ҳудуддаги Майдаёбу, Чироқчи, Навниҳол, Уйрот маҳаллаларида 90-100

миллион сўмгача сарф бўлади.

Шаҳрисабз туманида эса одатда 60-80 миллион атрофида, тоғли ҳудудларда эса 80-85 миллион сўмгача маблағ бир кунлик тўй учун йўқ қилинади. Яъниким, қаерда маош оз бўлса, харажат ўша ерда кўпроқ. Куласизми, куясизми...

Яна бир ҳолат. Сўнгги йилларда келин-куёвнинг севги тарихини тўйхонада намойиш этишдек ҳолат оммалашган. “Love story” деб аталадиган бу маросимга Косонда ўртача 7-10 миллион сўм пул сарфланаркан. Касби туманида эса айтиш шунча каммида 5 миллион сўм кетиши маълум бўлди.

Тўй кортежлари учун кетадиган харажат ҳам шундан кам эмас.

Бир соат нари-берисидаги хониш учун 50 миллион сўм сарфлаётганлар пул топиб ақл топмаганларми?

Тўй борки, санъаткорсиз ўтмайди. Аммо бунинг учун кишилар бор-будини кетказиши ҳеч бир мантиққа тўғри келмайди.

Косон туманидаги Чорбоғ, Машъал, Арабхона, Юқори Арабхона маҳаллаларида одатда машҳур санъаткорлар, бирровга келиб-кетадиган хонандалар учун 20-30 миллион сўм, Шаҳрисабз туманидаги тўйларда эса 15 дан 40 миллион сўмгача пул керак.

Чироқчи тумани марказидан узокроқ Дурсун, Мирзатуп, Пахтаобод ва Зарбдор маҳаллаларида санъаткорларнинг қисқа муддатли хониши учун 40-50, Деҳқонобод туманида эса 400 минг сўмдан 22 миллион сўмгача, Қамашидда 600 мингдан 25 миллион сўмгача маблағ кетиши маълум бўлди. Китоб туманида эса маҳаллий санъаткорлар 1-5 миллион сўм атрофида, машҳурлари 1000-3000 долларгача хизмат кўрсатади.

Шаҳрисабз шаҳрида маҳаллий санъаткорларга 1-5 миллион, карнай-сурнай учун 500 мингдан бир ярим миллионгача, видеокамерага 1 миллион ҳамда шоу-балет учун 1 миллион 300 минг, бирровга келиб-кетадиган машҳур хонандаларга 30-50 миллион сўмгача харажат қилинади.

Уйлаб кўринг. Бир хонанда учун 50 миллион сўм сарфланаётган жойларда таълим, тиббиёт, йўл инфратузилмаси, ҳудудлар ободлиги каби масалаларда муаммолар йўқми? Эҳтиёжманд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар-чи? Албатта, бор. Аммо шунча муаммо, шунча ҳақдор кишилар бўла туриб, арзimas оруз-ҳавас учун пул совуришдан нима наф, нима фойда? Аслида бунинг турган-битгани зарар, исроф ва ношуқурлик эканини одамларимиз яхши тушунишлари керак.

ЎЛГАННИНГ УСТИГА ТЕПГАН...

Бехудий бобомиз миллат тараққийиётига тўғаноқ бўладиган омилар борасида тўй қаторида таъзия маросимларини ҳам бежиз таъкидламаган. Сабаби, бир оила мусибати бўлмиш таъзия маросимларида ҳали-ҳануз беҳуда чиқимлар кўп.

Масалан, аксарият ҳудудларда марҳум вафотидан сўнг “етти”, “ийгирма”, “қирқ”, “ийл оши” каби маросимлар борки, уларнинг ҳар бири учун алоҳида жонлик сўйиб, ош тортиб, дастурхон безатиш керак. Муқаддас ислом динида бу каби ишлардан қайтарилган бўлса-да, айрим кишилар “Марҳумнинг ошини ейиш керак, шундан унга савоб етиб боради” деган аҳмоқона гапларни ўзларига шior қилиб олишган. Яқин инсонидан айрилиб, юпанч ва тасаллига муҳтож турган

оилалар эса “Бир нарсани билар” деб бошқаларнинг раъйига қараб, бор-будини сарфлаб, таъзия маросимларини ўтказишга мажбур бўлаётир.

Чироқчида марҳум вафотидан кейин 40 кунгача ҳафтанинг пайшанба ва яшанба кунлари “ис чиқариш” одати бор экан. Аслида бир қанча бекорчи аёллар жамланиб, еб-ичиб, гурунган бошқа тайинли иш қилишмайди. Динимизда “Аза – уч кун” дея таъкидланган бўлса-да, кишилар “етти”, “ийгирма”, “қирқ” деб таъзия бўлган уйга бораверади.

Деҳқонобод туманида таъзия маросимида келган кишига 5 мингдан 20 минг сўмгача пул ёки шу маблағга тенг бирор буюм бериш одати бор. Миришкорда 2-5 минг, Яккабоғда 5-10 минг сўмдан тарқатилади. Бундан марҳумга на савоб етиб боради, на бир жой обод бўлиб қолади. Модомики шундай ният бўлса, кейинчалик, вақт ва имкон тоғанда, эҳтиёжманд оиллага марҳумнинг номидан ёрдам кўрсатиш мумкин ва шунда савобли, фойдали иш қилинган бўлади.

Айрим ҳудудларда бирор киши 90-100 ёшга кириб вафот этса, “Бу энди тўй” деб жаноза тугар-туғамас кўй сўйиб, ош пиширишга киришиб кетадиганлар ҳам йўқ эмас.

ҲУЖЖАТ БОРУ ИЖРО ЙЎҚ?

Бундай ўйлаб қарасак, ўзбекнинг оддийроқ тўйига сарф бўладиган пулга бемалол бирор бизнес бошлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мумкин. Бироқ камхарж, ихчам тўйлар ҳақида одамларнинг ўзида тўғри, онгли муносабат шаклланмаса, бу борада ижобий натижаларга эришиб бўлмас экан.

2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгаши ва Сенат кенгашининг “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори имзоланган. Афсуски, ушбу қарор ижроси деярли таъминланмапти.

Тегишли ҳужжатда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда 200 нафаргача, мазуқ тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашиши, қўшалоқ тўйларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши қатнашиши мумкинлиги қайд этилган ва амалда ҳам бунга ҳаракат қилишимиз даркор.

Миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид турли шуоларни, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган тўйлар, оилавий тантаналардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумлар (“келин навқари”, “чорлар”, “ота кўрди”, “сеп ёйди”, “қуда қақирди”, “куёв қақирди”, “келин қақирди”, “тоғора юбориш” ва ҳоказолар), дафн этиш ва мотам маросимлари билан боғлиқ ортиқча тадбирлар (“етти”, “пайшанбалик”, “ийгирма”, “қирқ”, “ийл оши”, “пул тарқатиш”, “мато улашиш” ва ҳоказолар) ўтказишга йўл қўйилмаслиги керак.

Энг асосийси, имконияти бўла туриб, ихчам тўй ўтказиб, ортан маблағини ўз худуди ривожига, ёшлар учун янги иш ўринлари, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам беришга йўналтирган кишилар оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб этилса, бошқаларга ҳам ўрнак бўлади.

Бехозод САЙФИЕВ

ОФРИҚ

Юз йил олдин жадид боболаримиз “миллат оёғига тушов” деб қоралаган тўй-ҳашам, маъракабозлик масаласи бугун ҳам тараққийиётимиз йўлига ғов бўляпти.

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ “ВАКЦИНА”

Тожикистонлик таниқли адиб Саттор Турсуннинг бир ҳикояси бор. Қўшнис билан ҳашамат бобида кимўзардан чарчаган ҳикоя қаҳрамони қотил ёллаб, унга ўзини ўлдириб, жасадини қўшниснинг ҳовлисига ташлашни буюради. Муболага замиридаги аччиқ ҳақиқат шуки, бебаҳо умримизни лоақал бир лаҳзага узайтиролмайдиган кераксиз даҳмазалар учун атрофдагилар билан кимўзарга жонимизни жабборга беришга тайёرمىз.



Жаноб пайғамбаримиз қизлари Фотима(р.а.)ни Ҳазрати Алига узатганларида, бор-йўғи бир жонлик сўйиб, келиннинг сепига биттагина пўстак берганлар ва дап чалишни буюрганлар. Куёвнинг совут, қалқони пули бир тўйига киноя қилган. Тўғри, у даврда одамлар жуда ночор яшаган, ҳозиргидек имкониятлар бўлмаган. Лекин ўша даврда пайғамбаримиз (с.а.в.) истаса, ҳар қандай амирнинг тўйдан зиёдроқ тўй қилиш имкони, албатта, топиларди.

Бугун содир бўлаётган айрим воқеа-ҳодисаларни ўз кўзимиз билан кўриб, ижтимоий тармоқлару вақти матбуотдан ўқиб, ғувоҳи бўляпмиз: гўёки биз данғиллама уй-жойлару тўй-таъзиялар, яп-янги машиналар учунгина дунёга келгандекмиз. Мўмай пул топиб, мурод-мақсадига етиш учун азиз жонини гаровга қўйиб, нотинч хорижий давлатларга йўл олганлар қанча. Майли, ҳалол нон топиб, орзу ҳавасини кўрапгани, қандини урсин.

Аммо... Бир танишим ҳорижда ўн йил ишлаб, емай-ичмай данғиллама ҳовли қурди. Энди кўчиб кирмоқчи бўлганда, “отинг қурғур” дарди хуруж қилиб қолди. Даволанишга қўлидаги бор дастмосия етмагани учун янги уйни сотишга мажбур бўлди. Ўт-ники ўтга, сувники сувга бўлди.

Баъзан китоб қаровлари, маънавий-маърифий тадбирлар сабаб Республиканинг турли вилоятларида бўламиз. Бир сафар Жавдат ака деган ўқитувчи билан гапимиз қовушиб қолди.

– Мактабимизга Элдор деган бир йигит ишга келди, – ҳикоя қилади у. – Энди университетни битирган экан. Талабаликда сирдарёлик бир қизни яхши кўриб қолган. Унга уйланиш учун оиласининг ҳам розилигини олибди. Аммо куёв бўлмишининг отаси кўп ичар, ўғли уйландимми-йўқми, фарқи йўқ эди.

Йигит дастлабки маошлари ҳисобидан уй-жойини таъмирлатди. Энди тўйга пул керак. Шунга мендан катта миқдорда қарз сўради. Йигитга раҳим келди ми ё савобталабиминг тутдими, отасини ичимда койиб-койиб, оилавий умра зиёрати учун йигит-терган пулимнинг ҳаммасини келтириб берибман, денг.

Тўйга бориб, не кўз билан кўрайки, куёв дабдабага зўр бериб юборган. Кейин билсам, бу шоввоз катта бир амалдорнинг қизига оғиз солгану тўй кўни келинни ўз машинасида олиб кетиш, тўғрироғи, ўзини кўрсатиш учун мен берган қарзга яп-янги “Ласетти” олган экан. Энг ёмони, қарзни йиллар давомида бўлиб-бўлиб, беварака қилиб бергани боис оилавий зиёратимиз қолдирилди. Мояна эса майда-майда бўлиб, рўзгорга ишлатилиб кетди. Пул-ку қўлнинг кири, лекин чилласи чиқмай, икки ёшнинг гапи-гапига тўғри келмади, шекилли, иш ажримгача борди.

Аслида, ёзувчи Саттор Турсун ҳикояси қаҳрамони билан ўша ўқитувчи Элдор орасида деярли фарқ йўқ. Бири учига чиққан худбин, бахил; иккинчиси айёр, устомон. Иккаласи ҳам дабдаба учун ҳеч нимадан тоймайди.

Қисқаси, минг қарғага бир кесак, дейдилар. Аммо қоронғи шудгорга кесак отиш ҳам бефойда. Айтмоқчиманки, юз йил олдин жадид боболаримиз “миллат оёғига тушов” деб қоралаган тўй-ҳашам, маъракабозлик масаласи бугун ҳам тараққийиётимиз йўлига ғов бўляпти.

Менинг гапим билан ҳам қурбақа яйловга чиқмас, лекин барибир жим туришга виждоним йўл қўймайди. Бу оғриқли муаммоним бартаф қилиш учун тарғиботу ташвиқотдан ташқари шахсий намуна шарт ва зарур. Чунки аксариятимиз бу борада ҳам ўзгаларга “ақл” бўлишга устамиз-у, тўй ё маърака савдоси бошимизга тушса, эл қатори дабдаба аъясанинг бошига тож кийдириб юборамиз. Демак, жаҳолатга қарши “вакцина”ни аввал ўзимизга уришимиз керак.

Яҳёхон МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Хужжатларга кўра, Ўзбекистонда инқилобга қадар ўзбеклар орасида ягона олий маълумотли киши Тошпўлатбек Норбўтабеков бўлган. Бу ҳақда Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарларидан Акмал Икромов ўз маърузаларидан бирида таъкидлаб ўтаркан, йиғилганларда унинг ҳаёти, фаолиятига қизиқиш уйғонган. Чиндан ҳам, у ким эди?

Тошпўлатбек Норбўтабеков 1898 йили Тошкентнинг Олмазор маҳалласида қосиб Тўрагон домла хонадонидан туғилган. “Бешиқдаги боланинг бек бўларин ким билар?” деганларидек болалиқда бошқалардан деярли фарқли жиҳати бўлмаган Тошпўлатбек ҳақида жадидларнинг номдор нашрларидан бири ҳисобланган “Садои Фарғона” газетасининг 1915 йил 15 май сонидан Ашуралӣ Зоҳирийнинг “Туркистонда биринчи юрист” мақоласи босмадан чиқади. Жумладан, унда куйидаги маълумотлар учрайди: “...Тошкентдан шахримизга келиб ўрнашиб қолган ёш Тошпўлатбек афанди Норбўтабек ўғли, аввалда Хўқонд рус-тузем мактабда ибтидоий тахсилни битиргандан кейин Тошкент гимназиясига келди. 1909 йилда гимназияни битириб чиқиб, яна шу йилда Петроград университети (Дорлфунунини)нинг юридик факультети (хуқуқ шўъбаси)га кирди. Онда 4 йил ўқигондан кейин 1914 йил 10 декабрда Демидовский музейда подшоҳлик имтиҳонини ҳам бериб, шаходатномасини олиб, Хўқонда қайтди.

Тошпўлатбек афанди шу йил 13 мартда 18-рақамли фармойиш ила Тошкент шаҳрининг судьялик мансабига тайин бўлиб, ҳозирдан тажриба (практика) учун Тошкент суд палатасига котиб вазифасини адо қилиб турадурган бўлди.

Тошпўлатбек афанди миллий тилни бир туркистонлик шаклий (яъни ўрсича аралаштирмадан) гапиргани каби ўқимок, ёзмак тўғрисида ҳам бир мулладан яхшироқ билдир.

Тошпўлатбек афанди Туркистоннинг туб ерли халқидан эллиқ йилнинг етиштирган меваидир... Шуну ҳам айтиб ўтмоқ керакки, Тошпўлатбек афанди шахримизнинг Русия мансабдорлари, унинг савдогарлари ораларида эътибори

зиёда бўлгонидек, мусулмон савдогарлар ва ён шаҳар наздларида ҳам ҳурмати зиёдадир”. Тошпўлатбек Петербург университетиде тахсил кўриб юрган чоғида талабаларнинг инқилобий ҳаракатларида фаол қатнашган. Шу боис Петербург маъмуриятида уни пойтахт шаҳарларда ишлаши қатъиян тақиқлаб қўйилган. Бунгача у Истанбул шаҳрида талабалар амалий машғулотларини ўтказган. Туркистонга келиб суд органларида ишлаган, адвокатлик қилган, Сирдарё вилояти озиқ-овқат бошқармасида фаолият юритган.

Чор ҳукумати ағдарилган, Тошпўлатбекнинг ижтимоий-сиёсий, инқилобий ҳаётдаги фаоллиги янада ошган. 1917 йил апрелида Тошкентда биринчи умуммусулмон ўлка курултойи ҳайъатига сайланиб, мусулмон депутатлари советида, шунингдек, аскар ва ишчи депутатлари советида фаол хизмат қилган.

Жадидлар саъй-ҳаракати билан 1917 йил 26–29 ноябрь кунлари Кўқон шаҳрида бўлиб ўтган IV Туркистон ўлкаси мусулмон советлари курултойида Туркистон мухторияти – биринчи мустақил, демократик, миллий давлат сифатида майдонга келди. Курултойда Тошпўлатбек Норбўтабеков Туркистон мухториятининг миллий мажлисига сайланиб, Туркистон ҳукумати аъзоси бўлди. Бироқ бу ҳукумат большевиклар томонидан 1918 йил февралда куруллой ил билан ағдарилиб, хуррият курашчилари бешафқат қирғин қилинган тарихдан яхши маълум. Ана шу қатлиомдан тасодифан омон қолганлардан бири Тошпўлатбек Норбўтабеков апрель-май ойларида Туркистон ўлка советларининг V съезиде асос солинган Туркистон мухтор совет социалистик республикасининг

БИРИНЧИ МИЛЛИЙ ЮРИСТ

ёхуд ўз ҳуқуқини ҳимоя қилолмаган Тошпўлатбек Норбўтабеков



Боку. 1920 йил 4 сентябрь. Суратда чапдан биринчи – Тошпўлатбек Норбўтабеков съезд презиумида.

ташқи ишлар халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси бўлиб сайланган.

Қаҳрамонимиз 1919-1920 йилларда Туркистонда авж олган фуқаролар уруши даврида Тошкент Эски шаҳар фавкуллодаги комиссиёсида ҳуқуқий маслаҳатчи, ҳуқуқ бўлими мудири, муҳим ишлар бўйича маҳсус терговчи бўлиб фаолият юритган.

Унинг халқаро анжуманлардаги чиқишлари ўша даврнинг таниқли сиёсий арбоблари томонидан юксак баҳоланган. Хусусан, 1920 йил 1–8 сентябрда Боку шаҳрида ўтказилган Шарқ халқлари курултойида Турор Рискулов, Мунаввар қори, Чўлпон, Салимхон Тиллахонов, Ражаб Муҳаммедов, Қудратилла Юнусий, Обиджон Маҳмудов, Тўракул Жонузоков, Зайниддин қори Насриддинов, Ҳожи Сафо Жўрабоев сингари туркистонлик миллат фидойилари қаторида Тошпўлатбек Норбўтабеков ҳам фаол қатнашган. Ўшанда у курултойда сермазмун нутқ сўзлаб, совет ҳокимиятининг мустамақкачиллик сиёсатини куйидагича фош қилган: “Биз озодлик, тинчлик ва биродарлик широлари фақат қоғозда эмас, балки ҳаётда ҳам амалга ошишини талаб қиламиз...”

У фақатгина ўзининг ҳуқуқ соҳасидаги аъзолиги билан чекланмай, янги иқтисодий

сиёсатга ўтиш даврида вайрон бўлган Туркистон халқ ҳужалигини тиклашга салмоқли ҳисса қўшди. Марказий халқ ҳужалиги кенгаши вакили сифатида 1921–1923 йилларда Боку, Тбилиси ва Кавказортидаги бошқа шаҳарларда бўлиб, ҳудудлараро иқтисодий ва савдо алоқаларини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатган.

Шунингдек, у моҳир дипломат сифатида Бухоро халқ совети Республикаси мухтор ваколатхонаси раҳбари Абдурахим Юсуфода билан биргаликда Россия ва Бухоро Республикаси ўртасидаги иқтисодий алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратади. Ўша кезлари Бухородан ипак, қорақўл, гилам, пахта, жун, кўй териси, қизилмия илдизи каби маҳсулотлар билан Москва ва бошқа шаҳарларни таъминлаш бўйича СССР ва РСФСР ўртасида шартнома тузилади. Бунда Тошпўлатбек Норбўтабековнинг ўрни ва хизмати катта бўлган.

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан кейин Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети тузилиб, унга 1925–1937 йилларда Файзулла Хўжаев раислик қилган. Хужжатларга кўра, Файзулла Хўжаевнинг шахсан ўзи Тошпўлатбек Норбўтабековни иш бошқарувчи лавозимига

тавсия қилган.

1925 йил февралда Бухорода ўтган Ўзбекистон советлари биринчи курултойида фаол қатнашган Тошпўлатбек Норбўтабеков орадан бир ой ўтар-ўтмай – март ойида ЎзССР адлия халқ комиссарлиги коллегиясига аъзо бўлиб сайланган.

Маълумотларга кўра, у ўзи тўлғаган шахсий варақасида “Қайси тилларда эркин гаплаша оласиз?” деган саволга “форс, рус, турк, қозоқ, ўзбек, француз, лотин тилларини билламан” деб жавоб қайтарган. Лекин у ўзининг қатъий дунё қарашига эга бўлган шахс сифатида совет сиёсатчилари билан тил топиша олмади.

Тошпўлатбек Норбўтабеков бутун умри давомида сидқидилдан меҳнат қилса-да, туб аҳоли манфаатларини устувор қўйгани учун совет режими томонидан таъқиб ва тазийқ остида яшашга мажбур бўлди. Табиийки, юраги миллатга муҳаббат билан лиммо-лим қаҳрамонимиз ўз ҳаммаслақлари қатори машъум 37-йилнинг қатагон машинаси домига ташланди.

Таассуфки, қаҳрамонимизнинг кейинги тақдири ҳақида аниқ бир маълумот йўқ.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Нуриддин Маҳмудхўжаев – 1904 йили Қозғистон ССРнинг Бурчмулла қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. Марғилон шаҳар партия кўмитаси котиби, Ўзбекистон ССР Давлат режаштириш кўмитаси раиси лавозимларида ишлаган. 1934 йилда Москва шаҳридаги Бутуниттифоқ Режаштириш академиясига ўқишга юборилган. Ўзбекистон ССРда аксил-инқилобий ташкилот иши бўйича суриштирув жараёнида Нуриддин Маҳмудхўжаев ушбу ташкилот аъзоси сифатида айбланиб, Ички ишлар халқ комиссарлиги ходимлари томонидан 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган. Терговда у “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоси бўлгани қайд этилган. Айблов ҳулосасига кўра, аксил-инқилобий ташкилот топшириғига биноан Ўзбекистон халқ ҳужалиги учун зарарли бўлган режаларни тасдиқлашда тўғридан-тўғри иштирок этганликда, қишлоқ ҳужалиги халқ комиссарияти томонидан зарарли равишда қасдан камайтирилган режаларни тасдиқлаш орқали бир қанча ҳосилдор ерларни яроқсиз ҳолга келтирилганликда айбланган. Тергов жараёнида Маҳмудхўжаев чет эл разведкалари фойдасига жосулик қилган деб топилган. У 1938 йил 4 октябрда СССР Олий Суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясига Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 57-1, 63- ва 67-моддаларига кўра отувга ҳукм қилинган. Жазо ўша кун ижро этилган.

Нуриддин Маҳмудхўжаев 1957 йил 1 августда реабилитация қилинган.

Мирзакарим Мирзараҳматов – 1897 йили Тошкентда туғилган. 1918 йилдан сўл эсерлар партияси, 1919 йилдан ВКП(б) аъзоси бўлган. 1921 йили Тошкент уезд ижроия кўмитасининг раиси лавозимига ишлаган. 1934 йили Москвадаги Бутуниттифоқ Соноат академиясини тамомлагандан сўнг Тошкент тўқимачилик комбинати директорининг ўринбосари лавозимига тайинланган ва у ерда совет ҳокимиятига қарши муносабатда бўлган муҳандислар: Темурбек Қозибеков, Фабах Турсунов ва Аловуддиновни жалб этган ҳолда миллий контрреволюцион гуруҳ ташкил қилган. 1937 йил 4 августда “Миллий иттиҳод” ташкилотиде фаол бўлганликда айбланиб ҳибсга олинган. Айбномага кўра Мирзараҳматов бу ташкилот топшириғи билан ўзбек ишчилари орасида тарғибот олиб бориб, уларни ташкилотга ёллашга ҳаракат қилган. Шунингдек, у ташкилот топшириғига биноан босмачи қўшунларини курул-яроғ билан таъминлашда иштирок этганлик ва босмачиликни ташкил этиш чораларини муҳокама қилганликда айбланган. Мирзакарим Мирзараҳматов Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 58-, 63-, 64-, 65- ва 67-моддаларига бўйича 1938 йил 8 октябрда СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси сайёр сессияси томонидан отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша кун ижро этилган.

Қори Эсон Хонтўраев – 1884 йили Бухоронинг Сабздор қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда ўқитувчилик билан машғул бўлган. Аҳоли орасида миллатчилик, аксил-инқилобий тарғибот олиб борганликда, ишонувчан мусулмонларни бирлаштиришга ва совет ҳокимиятига қарши курашишга чақирганликда, халқ душманини ёқлаганликда айбланган. 5568-сонли иш бўйича жиноий жавобгарликка тортилиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо мuddати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).

ЯНГИ НАШР

ЖАДИДЛАР УЙҒОТГАН ЖАМИЯТ

“Туркестанский курьер” газетасининг 1913 йил август сонларидан бирида чоп қилинган сўхбатда “Эндиликда хонлик бутун кучини мамлакат ички тараққиётига қаратмоғи лозим. Биринчи навбатда маърифатга, сўнгра савдо-саноатга. Хивани Осийнинг қолақ давлатлари қаторидан чиқариш вақти келди. Халқ эркин нафас олмоғи керак!” деган жумлалар бор. Газета мухбири билан сўхбатда шу фикрларни айтган инсон – хонлиқнинг бош вазири Исломуҳжага мақола-нинг ўқиш, афсуски, насиб этмайдик. У ўша йилнинг 9 августиде ёлланма котиллар томонидан ўлдирилади.

Хоразм жадидлик ҳаракатининг етакчиларидан бири бўлган Исломуҳжа халқини илм-маърифатга ошно этиш борасида фақат сўзда эмас, амалда ҳам ҳаракат қилган эди. Вақтли нашрларда бош вазирининг жадид мактаблари очиш учун ўз минг рубль эҳсон қилгани ҳақида хабар босилган. Айнан жадидлар ташаббуси ва маблағлари ҳисобидан хонлиқда 1905–1917 йилларда 8 та жадид мактаби очилди, уларда 260 нафар ёшлар таълим олишган. Натижада, жадидлар уйғотган жамиятда хонлик тузумини тубдан ислоҳ қилишга бел болаган “Ёш хивалиқлар” фирқаси дунёга келган.

Маърифатпарвар жадидлар таъсирига тушган биринчи ўзбек суратчиси ва

кинооператори Худойберган Девонорўй бераётган ўзгаришларни фото ва кинохроникаларида тарихга муҳрлаган.

Хонлиқда йигирма йил (1904–1924 йиллар) қизгин фаолият юритган жадидлар ўзларидан яхши ном, энг асосийси, авлодларга сабоқ ва матонатни мерос қолдиришди.

Юртимизда жадидлик ҳаракатига шу кун нуктаи назаридан баҳо бериш амалиёти кетаётган ҳозирги даврда бир аср илгари яшаган, эл-юрт зехнатиини уйғотиш учун бошларини кундага қўйган табаррук инсонлар ҳаёти, фаолияти ҳақида илмий изланишлар олиб бормок, китоблар чоп қилмоқ ғоят муҳимдир. Шу маънода яқинда пойтахтдаги “Adad Plus” нашриётида чоп қилинган “Хоразмда жадидлик: сиёсат, адабиёт, санъат ва маърифатда” номли китобини ёш авлодни ўтмишимиздан бохабар қилиш йўлидаги катта қадамлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.


Китоб етти бобдан иборат. “Жадидлик нима?”, “Хоразмлик жадидлар”, “Ўлка тараққиёти ва ривожланишининг фидойилари”, “Жадидлик ва ёшлар” каби бобларда нафақат жадидлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилди, балки ўша даврда амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар архив хужжатларини “гапиртирган” ҳолда изчил баён қилинади.

1924 йил август ойида Тошкент ва бошқа шаҳарларга ўқиш учун Амударё

орқали кемада кетаётган бир гуруҳ ёшлар жисмонан маҳв қилинади. Ўз вақтида бу қонли воқеадан совет ҳокимияти тарғибот курули сифатида фойдаланиб, томонларни бир-бирига қарши қўйган. Уларни “маърифат қурбонлари” деб атаб, номлари абадийлаштирилган, қанчадан-қанча асарлар ёзилган. Қўлимиздаги китобда эса муаллифлар алоҳида бобда ушбу қонли воқеани таъсирли ҳикоя қилиш асносида тарихий ҳақиқатга ҳозирги кун нуктаи назаридан қарашни унуттирмаган. Бу воқеа аслида ёшларни илм олишга даъват қилган жадидлар қарашларининг давоми сифатида кўрсатилган.

Мазкур китоб таниқли журналист Шарқия Эшчоновна, маърифатпарвар зиёли Раҳимбой Қурбоннов, ўлкашунос Бахтиёр Қурёзов ва жонқуяр ташкилотчи Сардорбек Полвоновларнинг машаққатли меҳнатлари самарасидир. Ундан ўша давр руҳи, қиёфасини акс эттирувчи юздан ортиқ суратлар ҳам жой олган. Бу эса тарихий шахслар, жойлар ва ўша замон муҳити ҳақида кенгрок тасаввур қилишга имкон бериши шубҳасиз.

Яқинда Маҳмуд Замаҳшарий номидеги вилоят ахборот-кутубхона марказига йўлим тушди. Иккинчи қаватга кўтарилаётган йўлдан қиёфадаги ёш йигитга дуч келдим. Ёшларнинг мутолаа учун кутубхоналарга қатнаши қувонтирди. Унинг кимлиги ва нималарни ўқиётгани билан қизиқдим. Урганч давлат университетиде



талабаси бўлган йигит ҳаяжонланганча фикрларини билдирди: “Икки кунки, бу ерга ўқишдан бўш вақтимда қатнаб “Хоразмда жадидлик...” китобини ўқиялман. Атиги бир аср илгари бўлиб ўтган, бизлар беҳабар қанчадан-қанча воқелиқлар бор экан. Бизлар билган-билмаган тарихий шахсларни айтгин!”

Гарчи беш юз нусхада чоп қилинган бўлса-да, аллақачон барча ахборот-ресурс марказларига тарқатилиб, кўп сонли ўқувчилар ихтиёрига ҳавола қилинган китобга “Оқ йўл” тиламоқ, фидойи муаллифларига миннатдорлик айтмоқ бурчимиздир.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси



ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

У туғилганида ота-онаси жуда бахтиёр эди. Айниқса, Баҳодир аканинг шодлиги ичига сиғмас, наслининг давомчиси, уйнинг чироғи дунёга келганидан ўзини қўярга жой тополмасди. Катта орзулар билан чақалоққа Муроджон деб исм қўйишиб, эл олдиде бошимизни кўкларга кўтарувчи муродимиз бўлади, дея ният қилишганди.

Аммо ёлғиз ўғил ота-онадан кўра кўчадаги ўртоқларига меҳрибон бўлиб ўсди, улар учун вақтини ямайдиган, уфатчиллик бозларини қанда қилмайдиган бўлди. Мактабни битиргач, институтда тахсил олишни истамади, дўстларига қўшилиб, қўл телефони савдоси билан шуғулланиб юрди-да, кейин бу ишни ҳам ташлаб қўйди. Кўчадан бери келмай, сандироқлаб юрадиган одат чиқарди. "Матиз" автомашинасини ижарага олиб, қира қилиб юрган Баҳодир ака ўғлини банд қилиш мақсадида калитни унинг қўлига тутқазди: "Ўғлим, кечкурунлари машина бошқаришга кўзим ўтмай қолди, сен ҳали ёшсан, мен кундузи, сен кечкурун ишласан, ижара пулини тўлаша ҳам, орттириб жамғаришга ҳам етади. Шаҳарда кечаю кундуз одам тўла. Қани, бугундан ишни бошла". Ҳақиқатан ҳам, бир қўлдан икки қўл яхши экан. Ота-бола бирга ишлагач, рўзгорга анча барака ина бошлади. Онаизор эса, ўғлининг бошини иккита қилиш учун тезроқ келин олишга интилар, яхши қизларни дараклай бошлаганди.

Бироқ уларнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Муроджон август ойларида Умда исмли қиз билан танишиб қолди-ю, шап этиб унинг тузоғига тушди. Энди топгани иккисининг хурсандчилиги сарфланар, отасига кам пул тутқазарди. Баҳодир ака бунинг сабабини сўраганида, "Кўчада одам камайиб, такси кўпайиб кетган" дея баҳона қиларди. Муроджон иш бошлашдан олдин Умдага сим қоқар, уни машинасига миндириб олиб, кирақашлик қиларди. Кейин тунги ресторанларда овқатланишиб, кўнгулхушликни давом эттиришарди. Сал ўтмай, уларнинг сағири Умданинг дугонаси Мадина ҳам қўшилди.

Бугун бизни шаҳар четидеги ошхонага олиб боринг, у ерда зўр балиқ пиширади-да, — бирварақайига ялинишга тушди қизлар мулоим оҳангда. Ўзининг ҳам қорни очиб тургани учун Муроджон қаршилик билдирмади. Бугунги "муллажиринг"ни санаб кўрди, мўлжалга етади. — Э, анавидан олмаймизми, шўртанина балиқ билан зўр кетади, — кўрсаткич бармоғи билан томоғига чертди Мадина. — У ерда ичкилик беришмайди. Мадинанинг тақлифи Муроджоннинг

ЕНГИЛТАКЛИКНИНГ ОҒИР ОҚИЪАТИ



улфатлар билан иссиққина хонада отамлашининг гашти бошқача-да.

— Ҳа, мен яхши биламан, — кўзларини сузди Мадина. — Фақат яна битта шиша бўлса зўр бўларди-да. Негадир эрталабдан томоғим тақиллайди.

Навбатдаги тақилф ҳам бажарилди ва ароқхўрлик бошланди. — Вой бошим, тарс ёрилиб кетай даяпти, вой бошим, — кайфи ошиб қолган Мадина бошини орқага ташлади. — Камроқ ичиш керак эди, — Муроджон Мадинанинг олдиде турган ичимлик қуйилган стаканни қўлига олди. — Бўлди, бошқа ичма.

— Менга бер, — қўлини Муроджонга чўзди Мадина бошини базўр кўтариб. — Йўқ, бермайман, бўлди. — Бер бу ёққа даяпман, — энди кўзларидан ғазаб сачратиб Муроджонга ташланди боғияна мушқудек мулоим

турган қиз. — Сен шу ерга олиб келиб, мажбураб ичирмаганингда, шундай бўлмасди. Энди узат!

— Нима, сени бу ерга мен мажбураб олиб келдимми, раҳматинг шуми ҳали?

— Ҳа, сен олиб келдинг, ҳамманг шу нақасанлар, — қизнинг овозида йиғи ара-

— Ҳали шунақами, мана, мана! — қиз энди учли пошналари билан ойнани тепа бошлади.

Ойнанинг қирилгани ширакайф Муроджоннинг ғазабини баттар кўзитди. Қараса, қиз тинчланмайдиган, кўрқитмас бўлмади. Шу мақсадда хаёлига келган гапни айтди:

— Овозингни ўчирсанг ўчир, бўлмаса устинга бензин сепиб ёқиб юбораман, кулинг кўкка соврилади.

— Ҳўх, — писанд этмади Мадина. — Қўлингдан келадиган ишни гапирсанг яхши бўларди. Сендақаларнинг кўпини кўрганман. Ҳечам кўрқмайман. Ўзинг нари борса бир кирақашсан-у, катта гапир-

— Барибир мени кўрқитолмайсан, — Мадина тагин гердайдди. — Бу қилмишинг учун ҳали жавоб беришинга тўғри келади, устингдан арз қиламан сени, чўчка!

— Шунақами? Арз қилишга улгурмайсан, алвасти, кунинг битди, — Муроджон идишдаги бензинни Мадинанинг бошидан қуя бошлади. — Мана сенга, мана, — идишни силкилатиб охириги томчисигача қизга сочди.

— Қани давом эт-чи! — бензинга чўмилиб, оғзидан ёнилғи оқиб туришига қарамай Мадина гапдан қолай демас, қайтанга, қаҳ-қаҳ отиб куларди.

— Ҳозир кўрасан, — Муроджон чўнтагига қўл суқди-да, ёндиргични чўнтак ва Мадинанинг боши узра тутиб ўт олди...

Лоп этиб аланга олган Мадина чинқирганча кенг далалар бўйлаб югурар, тупроққа ёнаётган қизнинг ўтли қадамлари босиларди. Қилғилкини қилиб бўлган қотил ёнаётган улфатига ёрдам бериш ва уни қутқариш ўрнига аллақачон жуфтани ростлаб қолганди. Кенг далалар бўйлаб юрган оташ вужуд ахирги ерга қулади...

Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганларидек Муроджон Адизов ҳам узоққа қочолмади. Жиноят ишлари бўйича Зағиота туман суди унга 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Ҳа, енгилтакликнинг жавоби оғир бўлади. Энг ёмони, ҳали чимилдиқ кўрмаган йигит ва қиз орзу-манд ота-онанинг, қариндош-уруғларнинг юзини шувут қилиб кетди...

— Ана энди мендан яхшилик кутма! Мадина йигитни елкасидан итариб бамайлихотир деди:

— Эй, латта, шалақ аравангни торт. — Кўраимиз кўрқмаганингни, — шундай дея Муроджон машинани ёнилғи қуйиш шохобчаси томон ҳайдади-да, бир ярим литрли елим идишда бензин сотиб олди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?



“ОДАМЛАРГА ИШОНИШ КЕРАК!”

Ишдан қайтишда нон олмоқчи бўлиб, бир нечта новвой-хоналардан утиб келдим. Ногоҳ йўл четиде турган “Нон” ёзувини кўриб тўхтадим. Коляскада усти ўралган нон, тўрт минг деган ёзув бор. Аммо сотувчи йўқ, Шу атрофдаги тўрт-бешта дарвозани тақиллатдим, ҳеч ким чиқмади, чиққаниям бизники эмас, дейишди.

Нима қилишни билмай турсам, бир йигит: “Ака нонни олиб, пулни қўйиб кетаверинг” деди. Нон ўралган аёлни кўтардим, димоғимга иссиқ нон тафти гуп этиб урилди. Боз устига ўзим яхши кўрадиган чачпак нон эканлиги учун гарчи эҳтиёж 4 та бўлса ҳам 10 та олиб, пулни аёл тағида қолдирдим. 10 та ноннинг пули устига яна ўн минг қўшиб ҳам қўйдим. Уйга келиб энди кийим алмаштираман деганимда, бир дўстим телефон қилиб қақириб қолди. Зарур иш деди. Тезда этиб бордим, иш битган яна ўша нон турган жойдан ўтишга тўғри келди. Қарасам, бир ўсмир йигитча турган экан. Нон тугаган. Мен унга ярим соат олдин нон олмоқчи бўлганимни, аммо ҳеч ким йўқлиги учун кетиб қолганимни айтиб, нега шу ерда турмайсан, дедим. Нонни биров индамай кўтариб кетса, нима қилардинг, дея танбех ҳам берган бўлдим. У эса новвойхонада ўзи ва акиси ишлашини, нонни қўриқлаб ўтиришга вақти йўқлигини, ҳали шу пайтгача ноннинг пули сира кам чиқмаганлигини айтarkan, одамларга ишониш керак, деди.

Нонни сотиб бўлсан, нега кетмайсан, десам, э, ака, кимдир ўн минг ортиқча пул ташлаб кетибди, адашиб бергани эсига тушса, қайтиб келар, деб турибман, деди...

Еш боланинг тоза қалби, ишончи, беғуборлигини кўриб, шубҳа-ғумонларга борганимдан, уни синамоқчи бўлганимдан уялиб кетдим. Аста машина томон юрарканман, дунёнинг бузилиб кетишига йўл қўймайдиган бу йигитчанинг гаплари миямни, вужудимни эгаллаб олган эди: “Одамларга ишониш керак!”

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
Фейсбук

БИР ҚУЛТУМ ҲАЖВ

“ҚУРҒУР” МИНАН “ОТИШМА”!

Эркақлар байрамини нишонлаш учун бир гала армия кўрмаган қоринбойлар “анов ўлгур” билан “отишма” қилгани Чори шилпилдоқни тапчанига йиғилди. Бўёғи молни тўёғи — ҳалпана! Бошида нўвбат-нўвбат дегандик, гали келганда қисир аммаси туғиб қоладиганлар, кучуғи болалаб, кўзи очилмагунча уйдан чиқолмайман деган хотинпарварлар, ёнбоши оғриб, табиғга силатгани оқсоқлиб чопгичлар кўпайишиб қолувди. Эскидан қолган гап бор: Дард келганда туққанинг эмас, туғганинг ярайди. Бизни тугунча “арча байрам” ўтгунча экан.

Чори шилпилдоғам бувам давридаги пишиқлардан. Булар ўзи уруғи билан қўйчивон. Мана, масалан памиляси Норқўзиев, отаси Қўчқор қассоб, акиси Тўхлибой, ўзи Чори, укаси Панжи! Тагин тупкани тағди тикланган тапчанга “Ёғду сомсақонаси” деб от қўйволганига ўлайми? Сомсақия номига мос. Бир тишласанг, ёғи дув-дув тўқилади. Палакса-палакса чарви! Эшигига “Ореп” деб ёзилган сабзитахта осылган. Ўлиб кетай агар, кундизи чироқ ёқасанми, кечасими, жарчи ёллаб излайсанми — бу яқин атрофда ингилди деган жанивор уруғликкаям йўқ. “Бу нима қилиқ” десанг, узун мўйловини тараб-тараб (ошдан қил чиқса, шундан қўраверинг) “Замон минан ҳамнапас!” дейди, тавбангдан кетай! Шуларни ўйлаб ўтирганимда ёстиқни қўлтиққа қистирганча ёнбошлаб тилпон кавлаётган Абдунаби шарақлатиб кулворса бўладими? Қўлидаги матаҳини олиб қарасам, мундоғ дейилган: “Бир очолат шўртумшуг бир бечора жонзодни — кўлвор илонни тириклай ютиб, ҳаётига зомин бўлди. Алқисса, бола-чақасини етим, ожизасини тул қолдирди. Бунинг учун норасидалар тухумдан чиқиб, камол топганига қадар марҳумнинг етим-есирига ҳар ой 7,5 миллион тоvon пули, қорин пули, бош пули тўлайдигон бўлди!” Тавбангдан кетай! Буларга нима касал теғди ўзи? Ҳали қарасанг, бири оғзи-бурни боғланган, тирноғи “маниқор-педикор” қилинган айиқ билан кураш тушади, ҳали қарасанг, бирови ўпасанг маликага дўнадиган қурбақани ёриб, алмисоқдан қолган ярасига боғлайди. Бошқаси эса бозортўравага яшириб, мамлакатга нил тимсоқидан беш-олти бош олиб кирарда, яна бирови Қизилқум чўлларида пляжда ётгандай қакосга ботирилган найчадан шарбат сўриб, айшини сураётган, умрида эчки зотини кўрмаган эчкизамари қопа тикиб сотарда қўлга тушади. Тагин бу миллат китоб ўқимайди деб оғиз йиртишди! Ўқияпти! Балодай ўқияпти! Ўқимаса, “Қизил китоб”га қиритилган нимаки бўлса, ҳаммасини номма-ном уруғини қуритармиди? Энг аввали оларман томон жилпанглаб “Чантриморэ-э” деса, ўлжани липпага қистириб “Каламакаторэ-э” деб ирғишламаклик керак!

Шуйтиб, Абдунаби икков тилпонга тикилиб тургандик, Боймурод шилқим “битта ўпай” деб икковни қувиб қолса денг! Бу думбулни одати шу. Қиттай-қиттай томоғидан ўтиб, қулоғи қизиса, чипқони чил-



дирма бўлади: “Оҳ, Лизажон, воҳ, Лизажон, қайдасан?” Бу жанивор мундай бизга ўхшаб газет-пазет ўқисайди, дунёнинг манаман деган дўлатлариям “Тамом! Мундан бақи эр киши эр кишини ўпиши тақилланади! Тенг-тенги минан, тезак қоли минан!” деганидан бохабар бўларди! Кечга бориб бу шўртумшугни дарвозага бир амаллаб суяб, жиринглоқни босиб, хотинига топширдик-қочдик.

Хуллас, бугунга етар. Камера, стоп! Давомига ашилла бервора-миз:

(Иложи бўлса, “Кўк жигули” оҳангиде тебраниб қуйлансун) “Интернет деган “калмар” ёшу қарини тутди, “Тик-ток”ка кирган чоллар кампирини унутди. Манам енгни шимориб, енгаман дедим вақтни, Кунларимни “Фейзбук”, умримни “Ютуб” ютди. Бир қўлимда тилпон-у, бир қўлимда обдаста Таҳоратга киргандим “рейлс” сувни совутди. Бу дунёни шатталаб ўтган эди Шоҳ Машраб, Бугун “реклон” номуснинг кетига уриб ўтди. Юртимнинг олимлари танилди илм излаб, Бири ўзни ишқофда “кола” билан танитди. Мунис аёл ортидан кузатди эл тўққиз ой, Қиндигини кесгунча “мегабайт”ни қуритди. Тилпони қуввати ҳам, умри ҳам битар дамда Бобоқанд вайсай-вайсай, бировдан “вай-фай” кутди.

Отақўзи Додахўжа ўғли БОБОҚАНД
Чоҳоршанба. Ҳижрий 1446 йил.
Ражаб ойининг 22-куниде сархуш битдим.

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:

Иқбол Мирзо

Маъсул котиб:

Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:

Муҳайё Пирнафасова

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади — 7 559
Латин ёзувидаги адади — 12 551
Медиа кузатуви — 19 286

Буюртма: Г — 139

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилими:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz